



ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ИККИНЧИ ЙИГИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

11 февраль куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши очилди.

Парламент сессиясининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпусининг вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Депутатлар сессиянинг ишчи органи — котибиятни туздилар, кун тартибини тасдиқладилар.

Олий Мажлисининг 22 январда бўлиб ўтган биринчи сессиясининг биринчи йиғилишида Президент Ислон Каримов қилган маъруза юзасидан парламент қарор қабул қилди.

Шундан кейин депутатлар парламент кўмиталари ва комиссияларини, уларнинг раисларини, шунингдек Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлашга киришди.

Кун тартибидеги ана шу масалалар юзасидан Олий Мажлис Раиси Э.Халилов маъруза қилди. Кўмиталар ва комиссияларнинг раислари рўйхати, шунингдек Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) сайлаш тўғрисидаги қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

Депутатлар шундан кейин сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракцияларини ҳамда ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг депутатлари блокларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришди. Шу масала юзасидан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг биринчи котиби Т.Даминов, «Ватан тараққиёти» партияси марказий сиёсий кенгашининг раиси А.Турсунов, «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгашининг раиси И.Фахуров, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партиясининг бош котиби Э.Норбўтаев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кўмитасининг котиби И.Кочмарик, ҳокимият вакиллик органлари депутатлари блоки раҳбари Қ.Обидов, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг депутатлари блоки раҳбари А.Саидов сўзга чиқди.

Депутатлар Олий Мажлис Кенгашини тузди, Кенгаш таркибига Олий Мажлис Раиси ва унинг уч ўринбосари, парламент кўмиталари ва комиссияларининг раислари, депутатлар фракциялари ва блоклари раҳбарлари кирди.

Қисқа танаффусдан сўнг Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит этиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақидаги фармонини тасдиқлашга ўтди.

Бу масала юзасидан давлатимиз бошлиғи Ислон Каримов нутқ сўзлади. У таклиф этилаётган ҳукуматнинг таркибини тузилишини, унинг шахсий таркибини муфассал баён этди. Мамлакатимиз Президентини ҳукумат фаолиятига баҳо берар экан, ижро этувчи ҳокимият салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш, Вазирлар Маҳкамаси ҳар бир аъзосининг топширилган иш жабҳаси учун масъулиятини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Депутатларга ҳукумат раҳбарияти ва аъзолари шахсан тақдим этилганidan сўнг Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақидаги Фармонини тасдиқлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон тузган бир қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлади.

Биринчи сессия котибияти раҳбари Т.Файзуллаев Олий Мажлис сессиясининг номига депутатлардан, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари раҳбарларидан ва фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар тўғрисида депутатларга ахборот берди. Ана шу мурожаатларнинг ҳаммаси кўриб чиқиш учун тегишли органлар ва ташкилотларга юборилди.

Парламент Конституциявий суд ва Олий суд судьялари таркибига ўзгартишлар киритди. Депутатлар Олий Мажлис 2000 йилда кўриб чиқиши керак бўлган қонун лойиҳаларининг рўйхатини асос учун қабул қилди. Хужжат бу борадаги ишларни давом эттириш учун парламент кўмиталари ва комиссияларига берилди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси ўз ишини якунлади.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ИККИНЧИ ЙИГИЛИШИДАГИ СЎЗЛАГАН НУТҚИ



Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Мўстарама халқ депутатлари!

Сизларга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси ва «Вазирлар Маҳкамаси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига биноан, Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Конституциямизга асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг янги таркиби Президент томонидан Олий Мажлис депутатлари тасдиғига қўйилди.

Ҳукуматнинг янги таркиби ҳақида гапирганда, мен бу масаланинг куйидаги муҳим томонларига сизларнинг алоҳида эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Аввало, бугунги кунгача фаолият кўрсатган Вазирлар Маҳкамасининг сон жиҳатдан таркиби тўғрисида айтиб ўтиш жоиз.

Маълумки, олдинги таркибда ҳукумат аъзоларининг сони ўттиз етти нафардан иборат эди. Яъни Бош вазир ва унинг муовинлари, ўн бешта вазир ва ўн битта давлат кўмитасининг раиси лавозимлари бор эди.

Конституциямизнинг 98-моддасига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича қиради.

Бугун Олий Мажлис тасдиғига Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ўттиз тўрт лавозимдан иборат

ҳолда таклиф қилинмоқда. Учта лавозим, шу жумладан, Бош вазирнинг битта ўринбосари ва икки нафар давлат кўмитаси раиси лавозимлари қисқартирилмоқда.

Бош вазирнинг транспорт ва алоқа соҳалари бўйича муовини лавозими қисқартирилиб, унинг вазифалари Бош вазирнинг энергетика соҳасини бошқарадиган ўринбосари зиммасига юклатилмоқда. Давлат ўрмон кўмитаси билан Саноатда ва кончиликда ишларнинг назорат қилиш давлат кўмитаси қисқартирилди.

Давлат ўрмон кўмитаси ўрнига қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида Бош бошқарма ҳамда Саноатда ва кончиликда ишларнинг назорат қилиш давлат кўмитаси ўрнига махсус агентлик ташкил қилиниши кўзда тутилмоқда.

Эътибор берган бўлсангиз, Бош вазирнинг янги таркибда қолаётган тўққиз ўринбосаридан тўрт нафаригина бевосита мана шу ишни, яъни Бош вазир муовини вазифасини бажаради. Қолган бештасига эса улар бошқарадиган соҳаларнинг аҳамияти ва мавқеига қараб, уларнинг таъсирини кучайтириш мақсадида Бош вазир муовини лавозими қўшимча тарзда берилган.

Бугун сизнинг тасдиғингизга тавсия қилинаётган таркибда, шунингдек, Бош вазир ўринбосари - Макроиктисодиёт ва статистика вазири вазифасини бажарувчи шахсга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари мақоми берилмоқда.

Шуни таъкидлаш керак-

ки, тавсия этилаётган номзодлардан фақатгина икки нафари — Мираброр Усмонов ва Дилбар Фулмова Биринчи чақириқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида тасдиқланган бўлиб, қолган Бош вазир ўринбосарлари эса бу лавозимларга кейин тайинланган.

Ўтган давр мобайнида ўзига юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажаролмаган, ишда ўзини кўрсата олмаган бир қанча ҳукумат аъзолари бошқа ишга ўтказилди ёки лавозимидан озод этилди.

Ўз навбатида, ҳозирги замонавий талабларга жавоб берадиган, янгиликка интиладиган, амалий ишлари билан кўзга кўринган ёш кадрлар раҳбарлик лавозимларига тайинланди ва бугунги кунда бу юксак ишончни оқлашга ўз иши, ўз фаолияти билан ҳаркат қилмоқда.

Бу ўзгаришларни Олий Мажлис депутатлари ўз ваколатига асосан тасдиқлаган ва бу ҳақда жамоатчилигимиз хабардор. Бугун Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясига янгидан тасдиқланаётган номзодлар қаторида Бош вазир ўринбосарларидан - Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажараётган ўқтам Исмоилов номзоди қўйилмоқда. Айни вақтда, у Бош вазир ўринбосари лавозими билан бирга Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитасининг раислигига тавсия этилмоқда. Бу номзодни таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқдир. Нима деганда, уни кўпчилик депутатлар яқиндан танийди, деб ўйлайман. Бу киши олдин ҳам мамлакатимиз миқёсида кўп раҳбарлик вазифаларини, шу жумладан, Бош вазир ўринбосари вазифасини ҳам бажариб келган.

Энди вазирликлар ва давлат кўмиталарига тўхталиб ўтсак. Вазирликлар ва давлат кўмиталари раҳбарлигига тавсия этилаётган номзодларнинг фақатгина беш нафари Биринчи чақириқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида, ўн тўрт нафари кейинги сессияларда тасдиқланган.

(Давоми2-бетда)

(Боши 1-бетда)

Қолган беш нафар номзод эса янгитдан сизнинг тасдиқингизга ҳавола этилмоқда.

Шундай қилиб, бугун сизнинг тасдиқингизга Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ва шу лавозимларга кўрсатилаётган номзодлар кўлингиздаги маълумотлар бўйича тавсия қилинмоқда.

Яъни:

1. Бош вазир лавозими-га Султонов Уткир Тўхтамуродович,

2. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари - Макроиктисодиёт ва статистика вазири лавозими-га Хамидов Бахтиёр Султонович,

3. Бош вазир ўринбосари - қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири лавозими-га Олимжонов Бахтиёр,

4. Бош вазир ўринбосари лавозими-га Исаев Анатолий Нигматович,

5. Бош вазир ўринбосари - Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси лавозими-га Исмоилов Уктам Кўчқорович,

6. Бош вазир ўринбосари лавозими-га Кароматов Хамидулла Саъдуллаевич,

7. Бош вазир ўринбосари лавозими-га Отаев Валерий Йўлдошевич,

8. Бош вазир ўринбосари лавозими-га Усмонов Мирабдор Зуфарович,

9. Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон автомобиль йўллари куриш ва фойдаланиш давлат-акционерлик концерни бошқаруvinинг раиси лавозими-га Юнусов Рустам Расулович,

10. Бош вазир ўринбосари - Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими-га Фуломова Дилбар Муҳаммадхоневна номзодлари тавсия этилмоқда.

Вазирлар ва Давлат қўмиталари раислари лавозими-га эса:

11. Адлия вазири лавозими-га Полвонзода Абдусаммад Абдухамидович,

12. Ижтимоий таъминот вазири лавозими-га Обидов Оқил,

13. Ички ишлар вазири лавозими-га Алматов Зокиржон,

14. Коммунал хизмат кўрсатиш вазири лавозими-га Муҳаммадов Ғофуржон Каримович,

15. Маданият ишлари вазири лавозими-га Жўраев Хайрулла,

16. Меҳнат вазири лавозими-га Иброҳимов Шавкат Фуломович,

17. Молия вазири лавозими-га Азимов Рустам Содикович,

18. Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозими-га Фуломов Саидахор Саидахмедович,

19. Соғлиқни сақлаш вазири лавозими-га Назиров Феруз Ғофурович,

20. Ташқи ишлар вазири лавозими-га Комилов Абдулазиз Ҳафизович,

21. Ташқи иқтисодий алоқалар вазири лавозими-га Ғаниев Элёр Мажидович,

22. Фавқулодда вазиятлар вазири лавозими-га Қосимов Баҳодир Эргашевич,

23. Халқ таълими вазири лавозими-га Йўлдошев Жўра Ғаниевич,

24. Энергетика ва электрлаштириш вазири лавозими-га Шоисматов Эргаш Раҳматуллаевич,

25. Давлат архитектура ва қуриш қўмитасининг

раиси лавозими-га Хўжаев Баҳодир Эргашевич,

26. Давлат божхона қўмитасининг раиси лавозими-га Орипов Саидазим,

27. Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасининг раиси лавозими-га Аҳмедов Нурмуҳаммад,

28. Ер ресурслари давлат қўмитасининг раиси лавозими-га Курбонов Эргаш,

29. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси лавозими-га Маҳситов Баҳодир,

30. Давлат матбуот қўмитасининг раиси лавозими-га Шоғуломов Рустам Шомуродович,

31. Давлат солиқ қўмитасининг раиси лавозими-га Хўжаев Ботир Асадуллаевич,

32. Фан ва техника давлат қўмитасининг раиси лавозими-га Ҳабибуллаев Пулат,

33. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси лавозими-га Тешаев Ғофуржон Қодирович номзодлари тавсия этилмоқда.

Уларнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти ҳақидаги маълумотнома сизларга тарқатилган.

Мудофаа вазири лавозими-га номзод Олий Мажлиснинг кейинги сессиясига киритилади. Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Барчамизга маълумки, иқтисодиётимизнинг энг йирик, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қишлоқ ҳўжалик соҳасининг ривожини ўзига алоҳида эътиборни талаб қилади.

Шунинг учун ҳам бу тармоқни аввало маблағ билан тўлиқ таъминлаш, бу соҳага сармояларни тортиш, унинг молиявий аҳволини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, иқтисодий муаммо ва жумбоқларини ечиш ва кўмаклашиш мақсадида бу вазифа ва масъулият шу соҳани бошқарадиган Олимжонов Бахтиёр билан бирга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Ҳамидов Бахтиёр зиммасига юклатилади. Балки шу мақсадда ҳам Ҳамидовга Бош вазирнинг биринчи муовини вазифасини топшириш кўзда тутилмоқда.

Хурматли депутатлар! Азиз дўстлар!

Бугун Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ва шу лавозимларга кўрсатилаётган номзодларни Олий Мажлис тасдиғига ҳавола қилар эканман, сиз - халқ ноибларида табиий бир савол туғилиши мумкин: «Хўп, ҳукуматнинг янги таркиби биз учун аён бўлди, қайси вазифа нима учун кераклигини ўзимизга тасаввур қила оламиз. Лекин бу номзодлар ўзларининг инсоний хусусиятлари, қурби-қобилияти жиҳатидан мана шу вазифаларга қай даражада муносиб?»

Хурматли халқ ноиблари! Бундай ташвишлар, бундай саволлар туғилишига асос борлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Негаки, ҳозирги шароитда, ўта масъулиятли бир даврда, ҳаёт мураккаблашиб, халқро аҳвол, ички ва ташқи вазият тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда аввало раҳбарларга, биринчи навбатда, энг юқори вазифаларда ўтирганларга, жумладан, ҳукумат аъзоларига, бир сўз билан айтганда, етакчилик вазифасини ўз зиммасига олган шахсларга замон талаблари,

кундан-кунга ошиб бораётганини пайқаш, англаш қийин эмас.

Бугунги ўтиш даврида, яъни, олдин умуман кўрмаган, бошимиздан ўтмаган муаммоларни ечишда, ноаниқ, мураккаб, илк бор дуч келаётган масалаларни ҳал қилишда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислохотларни қатъият билан амалга оширишда оғир масъулият авваламбор ҳукумат аъзоси бўлган одамлар зиммасига тушади.

Ватанимиз ўз тараққиёти йўлида янги уфқлар ва янги мақсадларга интилаётган бир пайтда, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга кўтариш, яъни, ҳаётимизни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш даврида бу жавобгарлик ниҳоятда ортади.

Бугун шу лавозимларга тавсия этилаётган номзодлар бир ҳақиқатни чуқур англаб, ўз онгидан, юрагидан ўтказишлари керакки, одамларимизнинг эртанги ҳаётдан кутаётган орзу-умидларининг рўёбга чиқиши, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бу раҳбарларнинг ўз вазифасини ҳалол ва малакали бажаришига, қолаверса, фидойилигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Одамлар ҳар қандай раҳбарни биринчи галда унинг фаолияти, ишининг амалий натижасига қараб баҳолайди. Қуруқ савлат ва баландпарвоз гаплар билан эмас, фақат шу ҳисобидан раҳбар обрў топиши, ҳурмат қозониши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун тавсия этилаётган ҳукумат аъзоларига баҳо берар эканмиз, адолат юзасидан шунини таъкидлашимиз керакки, охириги тўрт-беш йил давомида ҳаётимизда қандай натижа ва ютуқларга эришган бўлсак, ўйлайманки, бунда зиммасига юклатилган вазифаларни ўз ўрнида адо этаётган вазирлар, қўмиталарнинг раислари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари ҳиссаси борлигини инкор этиб бўлмайди.

Ишда қандай айрим хатолар, муайян камчиликлар бўлмасин, кўз ўнгимизда амалга оширилаётган улкан ижобий ўзгаришларни тан олмаслик инсофдан бўлмайди.

Бугун мамнуният билан эътироф этишимиз керакки, жамиятимиз ҳаётида, жамоатчилик онгида олдинги бепарволик, лоқайдлик ўрнига, раҳбар шах қандай мезонларга жавоб бериши зарурлиги ҳақида аниқ ва қатъий фикр шаклланиб бормоқда. Одамларимиз олис қишлоқда ёки катта шаҳарда яшайдан, ишчи ёки зиёли эканидан қатъи назар, ҳозирги вақтда раҳбарларга алоҳида талаб кўзи билан қарамоқда.

Одамлар раҳбар курсисидан ўтирганлардан биринчи навбатда:

Авваламбор, унинг ватанпарвар ва юртпарварлик фазилатларига эга бўлиши, она юртини чин қалбидан севиши ва ардоқлаши, эл-юрти учун ўзини аямаслиги, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлиши,

Ўз касб-корининг устаси, шу ишининг чинакам билимдони, бу борада бошқаларга ўрнак бўлишини кутади.

Жамоатчилик, халқ раҳбар шахснинг мустақил дунёқараши, кенг фикрлаши, узокни кўра билиш қобилияти билан бошқалардан ажралиб туришини,

Иймон-эътиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, орномусли, ҳаром-ҳариш ишлардан ҳазар қиладиган, изланувчан, ташаббускор, тадбиркорлик фазилатига эга бўлишини, ташкилотчи, талабчан ва қатъиятли бўлишини истайди.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг: «Ишбилармон, мардлиқ ва шижоат соҳиб бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир», деган ҳикматининг бугун ҳам ниҳоятда долзарб эканини барчамиз сезиб-англаб турибмиз.

Халқимиз ўзини раҳбар деб биладиган одам, аввало, инсонни яхши кўриши, инсонни ардоқлашини хоҳлайди. Одамларнинг ғамташвишларини юрагидан ўтказиб, уларнинг дардига дармон бўлмоғини орзу қилади.

Ҳаётнинг кўп асрлик тарихи ва кўндалик турмушимизда кўз ўнгимиздан ўтадиган кўп мисоллар, аччиқ сабоқлар асосида айтишимиз мумкин: ҳар қандай раҳбарлик мансабига кўтарилган одамни синайдиган оғир имтиҳонлардан бири шуки - атрофдаги уни ўраб оладиган хушомадгўй, лаганбардор, лаббайчиларнинг сохта мақтовидан ўзини сақлаб, мана шундай имтиҳонлардан одамийлигини, инсоний қиёфасини йўқотмасдан чиқишдир.

Халқимиз одамни синамоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр, деб бежиз айтмаган.

Агар раҳбар мана шундай талабларнинг ҳаммасига эмас, лоақал бир қисмига жавоб бера олса ҳам, албатта, бағрикенг элимиз бундай одамни ардоқлайди, бошига кўтаради, уни ҳимоя қилишга, унинг учун ҳатто жонини ҳам беришга тайёр бўлади.

Очиқ айтиш керакки, барчамиз ҳам ҳали бу юксак талабларга тўла жавоб бера олмаيمиз. Лекин одамларимиз айнан шундай фазилатларни биздан — раҳбарлардан кутишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Афсуски, лавозим, вазифани худди ота-бобосидан қолган меросдек биладиган раҳбарлар ҳам учраб туради. Ҳаётимизда шундай кимсалар ҳали оз эмаслигини тан олишимиз ва бу каби ҳолатларга қарши курашмоғимиз зарур.

Сизнинг тасдиқингизга тавсия этилаётган номзодларнинг асосий заиф томонлари нимада, деб сўрасангиз, буни ҳам очиқ айтишим мумкин.

Бу камчилик Бош вазир Султоновга ҳам, бошқа ҳукумат аъзоларига ҳам тегишли бўлиб, уларда қўпинча масъулиятни ўз зиммасига олиш, доимо қатъиятли бўлиш хусусияти етишмайди.

Буларнинг ўзи яхши, билимдон, ҳамма нарсани тушунадиган, замон талабларини биладиган, одамлар билан муомаласи ҳам жойида бўлиши мумкин. Охириги йилларда, ўта мураккаб шароитда жамиятимизни янгилаш ва ислохотларни ҳаётга татбиқ қилиш йўлида бу инсонларнинг анчагина

тажрибага эга бўлганини ҳам тан оламиз.

Лекин, мен шунини алоҳида урғу бериб айтишим керакки, ҳукумат аъзоси бўлган одамнинг, содда қилиб айтганда, отнинг калласидайд юраги бўлиши керак. У зарур пайтда масъулиятни ўзига ола билиши шарт. Бугун ҳаёт шунини тақозо қилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Биз Олий Мажлис биринчи сессиясининг биринчи мажлисида навбатдаги устувор мақсад ва йўналишларимизни аниқ белгилаб олдик. Ҳаётимизни эркинлаштириш, бошлаган ислохотларимизни чуқурлаштириш борасида парламент ва ҳукуматнинг вазифаларини олдимизга аниқ-равшан қилиб қўйдик.

Бугун жойларда бўлаётган муҳокама, фикр алмашувлар шунини кўрсатдики, халқимиз бу соҳадаги йўлигимизни қўллаб-қувватлапти, унга ишонч билдирапти.

Ҳаёт тез суръатлар билан давом этмоқда, унинг талаблари кескин ўсмоқда. Замоннинг бундай шиддатига чидаш, давр талаблари олдида заиф бўлмасдан юрти учун, Ватани учун ўзини аямай меҳнат қиладиган фидойи инсонларгина бугун бу ҳаёт тўфонларига, ҳаёт синовларига бардош бера олиши мумкин.

Бу — аниқ, Бунга ҳаммамиз иқдор бўлишимиз керак.

Шу муносабат билан мен яқинда телевидение орқали берилган бир кўрсатувда мухтарам шоиримиз Эркин Воҳидов айтган бир фикрни эслатишни ўринли деб биламан.

Яъни, у кишининг, ўзимизнинг ўзбекларда дўппини олиб қўйиб бир суҳбатлашайлик, гурунглашайлик, деган гап бор, лекин бугун нафақат гаплашиш, нафақат гурунглашиш, балки ишлаш, ҳаракат қилиш вақти келди, деган сўзлари, даъвати бугунги замонда жуда долзарб эканини исбот қилиб беришга ҳоҳат йўқ, деб ўйлайман.

Азиз юртдошлар!

Шуни унутмайликки, бу дунёда ҳамма нарса ўтқинчидир. Амал ҳам, мол-дунё ҳам, шон-шўҳрат ҳам ўтиб кетади. Фақат халқ, халқнинг хотираси доимо яшайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ана шу халқ хотирасида ўзидан яхши ном, эзгу ва савобли ишлар қолдириш ҳақида ўйлаши керак.

Бизнинг захматкаш ва олижаноб халқимизда бугун сизу биздан — ўзи ишонч билдирган инсонлардан ана шундай амалий ҳаракатларни кутмоқда.

Шу гўзал Ватанимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини ечиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, юртимизнинг тинчлиги ва тараққиётини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одамларни ҳаётдан рози қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ана шу эзгу мақсад йўлида Сиз, азизларга сизга ҳаёт-саломатлик ва куч-ғайрат тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақида

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги таркибда тузилсин:

Султонов Ўткир Тўхтамуродович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

Хамидов Бахтияр Султонович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Макроиктисодиёт ва статистика вазири

Алимджанов Бахтияр — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

Исаев Анатолий Нигматович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Исмоилов Ўқтам Қўчқорович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси

Караматов Хамидулла Садуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Отаев Валерий Йўлдошевич — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Усмонов Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Юнусов Рустам Расулович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон автомобиль йўллари куриш ва фойдаланиш давлат-акционерлик концерни бошқарувининг раиси

Фуломова Дилбар Мухамедовна — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси

Полвон-зода Абдусамат Абдухамидович — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

Абидов Акилжан — Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири

Алматов Закиржон — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири

Мухамедов Ғофуржон Каримович — Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазири

Джураев Хайрулла — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири

Ибрагимов Шавкатбек Гуламович — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири

Азимов Рустам Содиқович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазири

Гулямов Сайдахрар Саидахмедович — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Назыров Феруз Гофурович — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири

Комилов Абдулазиз Ҳафизович — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири

Ганиев Элёр Маждидович — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири

Касымов Бахадёр Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири

Йўлдошев Жўра Фаниевич — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

Шаисматов Эргаш Рахматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазири

Ходжаев Баходёр Эргашевич — Ўзбекистон Республи-

каси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси

Арипов Саид-Азим — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси

Ахмедов Нурмухаммад — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасининг раиси

Қурбонов Эргаш — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг раиси

Маҳситов Баходир — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси

Шоғуломов Рустам Шомуродович — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси

Ходжаев Батыр Асадиллаевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси

Хабибуллаев Пулат — Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг раиси

Тишаев Гофурджон Қодирович — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

2. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. Каримов

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларига «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини бериш тўғрисида

Ўзбекистонда эркин демократик давлат барпо этишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссалари, Ватанимиз шон-шухрати ва шарафини юксалтириш йўлида фидокорона хизмат қилаётганликлари ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этаётганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ депутатларига «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. Каримов

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 февраль

“БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ” – ТУРК ТИЛИДА



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, бозор иқтисодиётига ўтишининг “ўзбек модели” тамойиллари, халқаро аҳвол ва хавфсизлик масалаларига бағишланган асарлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам тобора катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ислом Каримовнинг юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ва мамлакатимизнинг буюк келажиги бунёдкорларини тарбиялашга қаратилган таълим ислохотларига бағишланган фикр-мулоҳазаларини ўзида жамлаган “Баркамол авлод орзуси” китоби турк тилида босмадан чиқди. Китоб юртимизда фаолият юритаётган ўзбек-турк лицейлари бош мудирлиги томонидан Туркиянинг Истанбул шаҳрида нашр этилди.

Мазкур китобда Юртбошимизнинг мамлакатимизда ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, миллий мафқуранини шакллантириш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги фикрлари жамланган.

Китобнинг “Аждодлар орзуси”, “Мустақиллик – орзулар рўёби”, “Орзуга эришмоқ йўли”, “Баркамол авлод ёхуд “Портлаш эффекти” нима?” деб номланган бўлимларида йўлбошимизнинг маърифат ва ёшлар тарбияси, янги таълим тизимининг мақсад ва вазифалари, босқич ва шакллари хусусидаги теран мулоҳазалари баён

этилиб, уларнинг мазмун-моҳияти кенг ёритиб берилган.

– Дўст ва қардош Ўзбекистон Республикаси XXI асрга Ислом Каримовдек кучли раҳбар билан қадам қўймоқда, – дейлади китобнинг турк тилидаги нашри сўзбошида. – У Ўзбекистоннинг сиёсий келажигида ўзига хос порлоқ бир шаклда намоён бўлди. Илтифотли, лекин ўз фикрида собит, ҳозиржавоб ва билимдон, ўз қарашларини атрофидагиларга ҳар доим исботлашга тайёр сардор сифатида дунёнинг машҳур сиёсатчилари сафидан жой олди.

Ислом Каримов 2000 йилнинг бошларида ўтказилган Президент сайловларидаги катта муваффақияти билан Ўзбекистон халқи ишончини қозongan инсон эканлигини яна бир бор исботлади. Ўзбекистон ҳукумати унинг раҳбарлигида жамиятнинг тубдан ўзгаришини ва янгилашинини таъминлайдиган кўп тармоқли ислохотларни давом эттирмоқда. Шубҳа йўқки, бу ислохотларда таълим соҳасидаги ўзгартиришлар ҳам катта ўрин тутди, деб таъкидланади сўзбошида.

(ЎЗА)



Пойтахтимиздаги 253-мактабнинг таълим жараёнида рус тили ҳам пухта ўргатилиб келинмоқда. Ўқувчиларнинг бу тилни ўрганишларида рус тили ўқитувчиси Дилбар Рустамованинг меҳнати салмоқли ўрин тутди.

Суратда: Дилбар Рустамова ўқувчиларга китоб қахрамонлари ҳақида тушунча бермоқда.

Равиль АЛЬБЕКОВ
олган сурат.

МОНИТОРИНГ – КЎЗГҮ

унга қараб ишларимизни саранжомлаб олайлик

Хозирги кунда таълим-тарбия соҳасига тадбиқ этилаётган янгиликлар, ўзгаришлар биздан аниқ назоратни, чуқур таҳлилни ва уларга асосланган ҳолда, холис хулосани чиқариб боришимизни талаб этмоқда. Чунки аввалгидек касалликни иситмаси ошқор қилгандагина даволашга киришиши тамойили эскирди. Имкон қадар иситма чиқишининг олдини олиш бугуннинг янгича иш усули.

Шу ҳафтанинг сешанба-chorshanба кунлари Андижон вилоятида бўлиб ўтган “Давлат таълим стандартлари мониторингини олиб бориш: муаммолар, изланишлар, ечимлар” мавзудаги Республика амалий семинар-кенгашида юқорида тилга олинган масала атрофида фикрлар билдирилди, мулоҳаза юритилди ва албатта, тажриба алмашилди. Андижонда бу борада ҳақиқатдан ҳам ўрганса бўладиган бир талай ишлар амалга оши-

рила бошланибди.

— Бу ишларнинг барчаси, — дейди анжуманда иштирок этган халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, — янгиликка интилувчанлик, ташаббускорлик ва фидойилик орқасидангина юзага келади.

Шу ўринда Ж. Йўлдошев Президентимизнинг Олий Мажлисининг ақинчи қақриқ 1-сессиясида сўзлаган нутқларида бежиз ташаббускорликка алоҳида урғу бермаганлиги, унинг кўпгина янгиликларнинг, бунёдкорликларнинг дояси эканлиги хусусида батафсил тўхталди. Айниқса, ташаббуснинг пайдо бўлиши учун зарур бўладиган омиллар, уни қўллаб-қувватлаш, амалга ошириш ва кенг ёйиш бўйича берилган тушунчалар йиғилганларда тиниқ тасаввур ҳосил этди.

Семинар-кенгаш давоми-

да вилоятнинг барча туманлари халқ таълими бўлимларида ҳамда таълим муассасаларида ташкил этилган “Мониторинг марказлари” билан танишилди.

— Кун сайин таълим-тарбия иши ҳам худди қишлоқ хўжалиги ташвишларидек

Seminar - kengash

кишиларимизнинг доимий вазифасига айланиб бораётганлигини кузатиб хурсанд бўламиз, — деди Андижон вилояти ҳокими ўринбосари Қудратилла Ибайдуллаев. — Жойлардаги раҳбарлар шуни тушуниб етишмоқдаки, улар фаолиятини баҳолашда таълим-тарбия бўйича кўрсаткич, қолган барча соҳалардагидек муҳим ва белгиланган мезон сифатида ҳисобга олинади.

Ҳоким ўринбосарининг бу гаплари туман раҳбарлари билан бўлган мулоқотларимизда исботини топди. Улар ҳам таълим-тарбия борасида бошланиб кетган чин маънодаги мусобақада ўзларини голиб кўриш саъй-ҳаракатида юрганлигини “ошқор” этишди.

Семинар-кенгашнинг Андижон шаҳрида бўлиб ўтган ялпи йиғилишида таълим тизимига жорий этилаётган мониторингнинг мақсади, вазифалари ва ундан қўллаётган натижалар хусусида сўз борди. Халқ таълими вазирлигининг давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи Рустам Аҳлидинов ўз маърузасида ушбу янгиликни амалда қўллаш борасидаги ҳам назарий, ҳам амалий тушунчалар билан йиғилганларни батафсил таништирди. Шунингдек, Осие

ривожланиш банкининг “Таълим ислохотлари мониторинги” лойиҳаси миллий раҳбари Алишер Умаров чет эл тажрибасига таянган ҳолда ижтимоий, жумладан, таълим соҳасида мониторинг аҳамияти хусусида тўхталди.

Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури доирасидаги эксперти Лахлан Стюарт мониторинг ва унинг йўналишлари ҳақида гапирди. Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Мирзаев вилоят таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари мониторингини олиб бориш тажрибаси билан ўртоқлашди.

Хурматли газетхонлар! Мазкур семинар-кенгаш ҳақида ҳамда ундан чиқарилган хулосалар, мутахассисларнинг фикр ва мулоҳазалари билан газетамизнинг навбатдаги сонларида батафсил танишасиз.

МУХБИРИМИЗ

Президентимиз Ислам Каримов иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида фуқаролар онгида ишончли улғайтириш, шу билан бирга маънавиятни юксалтириш, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялаш масаласини алоҳида қайд этган эдилар. Хўш, Президентимизнинг бу кўрсатмаларини мактабларда қандай воситалар ёрдамида амалга ошириш керак? Комил инсон тарбиясини қачон ва қандай бошламоқчимиз? Дарсларда ўқувчилар дунёқарашини истиклол ғоялари руҳида тарбиялашда асосан нималарга эътибор қаратган ёки қандай омиллардан фойдаланган маъқул?

Айтиш жоизки, Яккасарой туманида бу каби саволларга амалий жавоблар изланаяпти. Улуғ алломалар ижоди чуқур ўрганилиб, уларнинг бой ме-

Kitobxonlik bayrami

сига бағишланган кўрик-танловлар, синфлараро баҳслар ўтказилмоқда. Кун кеча мактабимизда бўлиб ўтган китобхонлик байрами ҳам қизғин баҳс-мунозарага, қизиқарли кўрик-танловга айланиб кетди. Унда тумандаги 127, 135, 319-мактабларнинг “Китобим — офтобим”, “Истиклол машъали”

чи босқичда Президентимиз асарлари таҳлил этилди...

Дарҳақиқат, учала гуруҳ вакиллари кўрик-танловда китобхонлик бўйича нечоғли билимга эга эканликларини намойиш этдилар. Маънавий мерос нима, комил инсон деганда қандай кишини тушунасиз, каби саволларга жавоб қайтаришиб, тест топширикларини бажардилар.

Хуллас, танловда иккала босқич шартлари бўйича ўз билим ва зукколикларини юқори

ИЗЛАНИШЛАР МЕВАСИ

ва “Зиё” гуруҳлари ўзаро беллашдилар, кўрик-танловда голибликка интилдилар.

— Беллашувни ўтказишдан асосий мақсад билим манбаи бўлган китобни севиш, ўқувчиларнинг китобга — буюк боболаримиз меросига бўлган меҳрини янада юксалтириш, фарзандларимизни кутубхоналарга кўпроқ жалб қилишдир, — деди 127-мактаб раҳбари Рафиқа Одилова. — Очиғи, танлов икки босқичдан иборат бўлди. Биринчи босқичда ўқувчиларнинг китоб ҳақидаги назарий билимлари синалган бўлса, иккин-

савияда намойиш этган “Китобим - офтобим” гуруҳи голиб чиқди. Улар келажакда китобхонлик бўйича шаҳар миқёсида беллашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

**Орзигул МАТҚУРБОНОВА,
Яккасарой туманидаги
127-мактабнинг
она тили ва адабиёти
фани ўқитувчиси**

Суратларда: беллашувдан лавҳалар.

**Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.**

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ” ҚўЛЛАНМАСИНИ ЎҚИБ...

Республика Таълим маркази томонидан шу ўтган давр мобайнида тарих ва ҳуқуқ фанлари бўйича бир қатор замон талаблари даражасидаги дарслик ва қўлланмалар чоп этилди. Чунотчи “Ўзбекистон тарихи” (6-7 синфлар учун), “Жаҳон тарихи” (10-синфлар учун), “Ҳуқуқшунослик” (10-11-синфлар учун), “Инсон ҳуқуқлари” (11-синфлар учун) ўқув қўлланмаси ва бошқалар.

Ушбу дарслик ва қўлланмалар ҳақида таълим марказига келаятган ижобий фикрлар билдирилган мактублар сони ҳам купайиб бормоқда. Шундай мактубларнинг бирини диққатингизга ҳавола қилмоқчимиз.

“Ассалому алайкум, хурматли “Инсон ҳуқуқлари” ўқув қўлланмасининг муаллифлари!”

Ушбу мактубни ёзишдан мақсадим қўлланма ҳақида фикр ва мулоҳазаларни баён этишдир. Маълумки, ҳуқуқий давлат қуришидан мақсадимиз ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдир.

Қўлланмада шу мақсадимизга хизмат қиладиган дасбилимлар берилган. Уларни урганиш жараёнида узим учун куп нарсани билиб олдим. Ҳуқуқшунослик соҳасига қизиқишим янада ортди. Шу соҳани танлашга қарор қилдим. Келажакда етук прокурор ёки судья бўлиб етишиб, ҳуқуқий давлат қурилишида фаол иштирок этишни мақсад қилиб қўйдим. Уқишга қираётганимда мана шу қўлланма кучимга-куч, билимимга — билим қушади, деб ўйлайман.

Ўз ҳуқуқларини урганиш ниятида юрган ўқувчиларга ва Ўзбекистонимиз фуқароларига “Инсон ҳуқуқлари” ўқув қўлланмасини ўқиб чиқишини тавсия этаман.

Муаллифларга эса қўлланма учун яна бир бор миннатдорчилик билдираман ва кейинги ижодий ишларида муваффақиятлар тилайман.

Сизга хурмат билан

**Наргиза Ботир қизи СОЛИХОВА,
Наманган шаҳар Давлатобод туманидаги 49-ўрта
мактабнинг 11 “Г” синф ўқувчиси”.**

Бундай мактубларни меҳнатимизга берилаётган энг катта муқофот, деб биламиз. Улар кейинги ишларимизда бизга куч-қувват бағишлайди.

РТМ қошидаги тарих ва ҳуқуқ ўқитиш маркази



ЛИЦЕЙДА АДАБИЙ КЕЧА

Усмон Юсупов тумани Умидило Фаиев номидаги лицейда сўз мулкининг султони — Алишер Навоий тавалуудининг 559 йиллигига бағишлаб кеча ўтказилди.

“Хамса” дostonининг айрим боблари асосида ўқувчиларимиз томонидан сахнага олиб чиқилган тарихий-бадиий лавҳалар йиғилганлар эътирофига сазовор бўлди. — деди туман халқ таълими бўлими муdiri Фиёс Аминов. — Кези келганда айтиш зарурки, мазкур лицей ўқувчилари туманимиздаги 40 дан ортиқ таълим муассасалари орасида ўз зехн-заковати ва иқтидори билан ажралиб туради.

Таълим масканида “Халқ ўқитувчиси” Қўзи Ражабов, Ўзбекистон халқ таълими аълочилари Фаиев Фаиев, Рўзибой Каримов, Гулнора Чўлиева, Темур Умаровларнинг математика, педагогика ва психология, француз ва ўзбек тили бўйича ўзига хос мактаблари ишлаб турибди.

— Мактаб деб, бежиз айтмайман, — деди Ф. Аминов. — Юқорида номлари тилга олинган устозларнинг ўнлаб шогирдлари мамлакатимизнинг турли олий ўқув юрталарида тахсил олишмоқда. Биргина ўтган йили 100 нафардан ортиқ лицей битирувчилари олий ўқув юрталарига ўқишга киргани фикримизга далил бўла олади.

“Туркистон-пресс”

Бекжон Тошмухаммедов — академик, Ўзбекистонда биология фани ривожига ҳисса қўшган таниқли олим. **Давлат мукофотининг Лауреати, хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Президиуми қошидаги ЮНЕСКОнинг "Инсон ва биосфера" дастури бўйича миллий қўмита раиси.**

Олимнинг исми-шарифини яна бир қанча фахрий атамалар теграсида келтириш мумкин. Энг диққатга сазовор жиҳати эса, Бекжон Тошмухаммедов — атоқли ёзувчи Ойбекнинг иккинчи фарзанди. Адиб хонадонидagi ижодий иқлим, табиийки, бўлғуси олимнинг тарбияси, дунёқараши, иймон-этиқоди шаклланишида ўзига хос рол ўйнаган.

Меҳмонимиз АҚШ, Германия, Покистон, Бельгия, Перу, Швейцария, Франция, Буюк Британия каби кўплаб хорижий давлатларда бўлиб ўтган халқаро анжуманлар иштирокчиси. Шунингдек, турли мuddатларда хизмат стажировкаларини ўтаган. Муҳтарам олим табиат билан дўст ва ҳамкор. Она сайёрани асл ҳолича сақлаб қолиш ҳақида ўй суради, йўл излайди, ташвиш чекади. Ана шунинг ўзи ҳам бир фидоийликдир.

— Дастлабки саволни газетамиз йўналишидан келиб чиққан ҳолда бермоқчиман. Илк ўқитувчингиз, унинг қиёфаси ёдингизми? Мактаб йилларингиз, у билан боғлиқ кечинмаларни эслаганингизда, кўнглингиздан нималар ўтади?

— Болалик йилларим тугул ёшлик пайтларим, ҳаттоки уттиз-қирқга тулган пайтларим ҳам куз очиб юмгунча утиб кетибди. Купни курдим, кўшлар билан учрашдим, тажрибалар, синовлар утказдим. Ҳамон ҳаётни кузатишда давом этипман. Бу дунё шу қадар чексиз тилсимоту сирсиноатларга тулаки, урганиб адо қилолмас экансан...

Болалигим ёзувчи хонадониде кечди. Дадам раҳматлигининг қулидан китоб, қалам тушмас эди ва фарзандларини ҳам илм-маърифатли бўлишга ундарди. Уста Ширин маҳалласидаги ҳовлимизга Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Гафур Ғуломлар тез-тез келиб туришар, баъзан бир неча оила аъзолари жам бўлишиб, табиат кўнглида дам олар эдик. Тоғлар, боғлар, гул, кўкатлар, қушу жонотлар, шарқираган сойлар, айниқса, менга ажойиб-ғаройиб туюларди.

Болалик дамларимни эсласам, юрак қургур энтикади. Шуҳлик бобида тенгим йўқ эди. Раҳматлик онам Зарифа Саидносир қизининг хотирлашича, бошланғич синфларда анча қўйдургулик бола бўлганман.

Оппок юзли, новчагина, болажон рус аёли 1-синфда бизга дарс берар эди. Айтганча, мени рус мактабига беришган. Тошкент шаҳридаги 10-урта мактабда кечган ўқувчилик йилларим ёдимда. Азбаройи туполончи бўлганимдан дарсларни улаштиришга қийналганман. Шу боис купинча "2" баҳо олардим. 1-синфда 2 йил ўқиганимнинг сабаби ҳам шунда. Фақат 7-8-синфга боргачина, билим олишнинг моҳиятини англаб етганман.

Кучук боқини хуш қурардим. Ҳаттоки уни ўзим билан мактабга олиб борган кунларим ҳам бўлган. Лекин муаллиманинг дақиқ берганини эслаб олмайман. Ўқитувчимиз полапонлардек биз ўқувчиларни ёнидан жилдиргиси келмасди. Қарқуноқ ҳам боққанман. Ипак қурти боқини мойиллигим кучли эди. Ҳовлимизни гоҳ у, гоҳ бу ерига кучат ўтказиш менинг сеvimли машғулоти эди. Табиати сеvardим, бу ҳиссиётни дадам раҳматлик ҳам жуда қадрларди. Табиати ардоқлаган киши ҳурмат-этиборда бўлишини, у жаҳолатдан, разолатдан нари юришини падари бузрукворимнинг оғзидан куп эшитганман.

Валерия Александровна Шайкина деган аёл бизга рус адабиётини дарс берар, дастурга киритилмаган ёзувчи шоирлар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар айтди, мактабдан қайтишим билан мен уларни дадамнинг кутубхонасидан ах-

тара бошлардим. Борис Пастернак, Александр Блокнинг асарлари менга ёқарди, уларни ҳануз қулимдан қўймай ўқийман.

Инсон нафақат илк устозлари, балки, унга кейинчалик ҳам йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳатларини дариг тутмаган мураббийларни эслаб туриши керак. Москва Давлат университетининг профессори, физиолог Ҳачатур Коштойяни мамнуният билан эслайман. Академик Ёлқин Туракуловнинг қул остида ишлаш бахти насиб этди. У кишини ҳар йили ноябрь ойида туғилган кунда йўқлаб турадим. Умуман, халқимиз устоз-шоғирдлик анъаналарини қадрлайди.

— Фан ҳаёт ичра бир уммондир. Ундаги кашфиётлардан ақлингиз ҳайрон қолади. Ньютоннинг "Бутун олам тортишиш қонуни", Эйнштейннинг "Нисбийлик назарияси", Дарвиннинг эволюцион ривожланиш таълимоти, Квант назарияси, Ибн Синонинг "Тиб

қонунари", ҳуллас, дунё ақлини қойил қолдирган ихтиролар анчагина. Лекин бугунги кундаги олимларнинг кашфиётлари шовшув уйғотадиган даражада эмасдай...

— Сиз қисман ҳақсиз. Лекин буни асримизда ахборотларнинг ниҳоятда қўпайиб кетганилиги, техника кескин ривожланганилиги билан ҳам асослаш мумкин. Техника тараққиёти қандайдир даражада фандаги янгиликларни хиралаштириб тургандек.

Лекин дунё миқёсидаги энг юксак Нобель мукофотида лойиқ деб топилган янгиликни айтиб қўйишим керак. Америкалик профессор Крик, англиялик олим Водсонларнинг хизмати нима учун шу мукофотга лойиқ деб топилди? Улар илк марта фан оламида ҳужайра таркибидagi геннинг тузилишини аниқладилар. Улар таркибидa нуклеин кислотаси мавжудлигини исботлашди. 50-йиллардаги бу кашфиёт бутун дунё бўйича тарқалди, тан олинди.

— Ўз илмий изланишларингиз, эшитишимча биофизика соҳасидан. Шу ҳақда қисқача тўхталсангиз?

— МДУни тамомлагач, 1958 йилда аспирантурага кирганман. Ҳужайра мембрана жараёни мени ҳар доим қизиқтиргани учун ана шу мавзунини урганишга аҳд қилдим. Табиатда фақат инсон ва ҳайвонот оламини жонли мавжудот деб биламиз. Лекин аслида усимлик, сув, тупроқ, балчиқ — ҳамма-ҳаммасини миллион-миллион ҳужайралар бошқариб туради. Уларни фақат микроскоп орқалигина куриш мумкин. Ҳужайра эса бир неча органоллардан иборат ва улар ҳам қўбиклар билан уралган. Ҳужайра доимий ҳаракатда, уларнинг бири ҳалок

Mehmonxonа



бўлиб, иккинчиси тугилиб туради. Ана шу жараённинг физик хоссаларини энг оддий жиҳатларига урганишга анча йиллар керак бўлди. Асаб ҳужайраларининг ишлаш жараёни, бир ҳужайранинг иккинчиси билан алоқаси, улардаги ўтказувчанлик хусусияти илмий ишларимнинг негизини ташкил қиларди.

Москвада қолиб кетишни истамасдим, мени она шахрим Тошкент оҳанграбодек узига тортарди. Шу боис куп утмай, Тошкентга қайтдим. Илмий ишларимни биофизика лабораториясида давом эттирдим. Профессор Коштойяни раҳбарлигида қанча лаборатория тажрибалари утказмадим. Докторлик диссертациям ана шу мавзунини яна ҳам чуқурлаштиришга бағишланган. Биология ва физика фанининг бир-бирига боғлиқ жиҳатини урганганим учун мени биофизика мактабининг асосчиси ҳам

нинг издан чиқиши нафақат Ўзбекистонда балки бугун ер куррасида кузатиляпти. Ер ҳарорати одатдаги меъёрдан 1,5 даража баланд бўлиб кетди. Арктика, Антарктидадаги абадий музликлар ҳам ҳарорат кутарилиши натижасида эрий бошлади. Антропоген (инсон иштирокида содир буладиган) узғаришлар таъсирида Орол денгизи ҳам узининг асл ҳолатини йўқотди. Сувнинг шурлиниш даражаси 1 литрда 100 граммга етиб улгурди.

Ўзбекистон "Қизил китоби"нинг тулдирилган нашрини куриб хурсанд бўлмадим. Чунки бундан 10 йил илгариги нашри юпқароқ эди, ҳозиргиси эса жуда қалинлашиб кетибди.

Ҳозирда ЮНЕСКОнинг "Инсон ва биосфера" дастури асосида бир қанча илмий тақлифлар, дастурлар ишлаб чиқилляпти. Агар ана шу лойиҳалар амалга оширилса, экологик муаммолар, инсонларнинг сиҳат-саломатлиги, борлиқдаги табиий хилма-хилликларни туғалигича бўлмаса-да, қисман сақлаб қоламиз. Биологик турларнинг хилма-хиллигини сақлаб қолиш лозим.

Витаминлар саноатини яратишимиз керак. Паррандачилик, қуёнчилик, бизнинг иқлим шароитимизга анча самарали бўлган балчиқчиликни ривожлантириш ҳам катта истиқболлар очади. Бу ўз навбатида алмашлаб экилаётган беда ва оқсилни куп пахта кунжараси асосида сервитамин концентратлар ишлаб чиқарувчи замонавий биотехнология корхоналари куришни зарурий шарт қилиб қуяди.

ланади. Ҳолбуки, аҳолини сут, қатиқ билан таъминловчи манба шахсий чорва молларидир. Уларнинг сути таркибини мунтазам текшириб боришга аҳамият берилмайд.

— Сиз Фанлар академияси қошидаги Олий Аттестация Комиссиясининг асосчиларидан бирисиз. Бу комиссия илмий изланишларни изчиб ўрганиб, маълум бир ҳулосага келади ва тадқиқотчининг даражасини белгилайди. Комиссия тадқиқотнинг қандай критерийларига эътибор беради? Илмий ишланмаларни рад этиш ҳоллари ҳам бўладими?

— Олий Аттестация Комиссияси тадқиқотларнинг бири-бирини тақрорламаслигига алоҳида эътибор беради. Чунки бу фанда куп учрайдиган ҳодиса бўлиб, тадқиқотчилар бир-бирдан мулоқоқ бехабар ҳолда, илмий изланиш олиб боришлари мумкин. Иккинчи мезон сифатида аспирант ёки докторантнинг маҳаллий, МДХ ҳамда хорижий мамлакатларда чоп қилинадиган нуфузли илмий журналларда эълон қилинган мақолалари инобатга олинади.

Баъзан 10, баъзан 12 кишидан иборат экспертлар кенгаши иш олиб боради. Муддатлар белгиланган. Фан номзодлигига даъвогарларнинг иши 3-4 ойгача, фан докторлигини ҳимоя қиладиганларнинг тадқиқоти 6-7 ойгача урганилиб, бир тухтамга келинади. Чинакам янгилик, деб тан олинган диссертациялар "йиқилмаслиги" тарафдориман. Баъзан диссертантнинг иши устида баҳс-мунозаралар кучайиб кетади. Бундай ҳолда қўшимча экспертлар қўйилади. Афсуски, уруғ аймқчилик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик каби иллатлар туфайли ОАКга мансабдор шахсларнинг кўнгиқроқлари, илтимослари ҳам бўлиб туради. Йиғи-сиги, ялиниб-ёлвориларни-ку қўяверасиз. Айрим шахслар борки, фанга умуман лаёқати бўлмаган ҳолда обрў учун ими-жимиди иш ботиришади.

— Бекжон ака, мухлисари-миз сизнинг шахсий ҳаётингиз билан ҳам қизиқинади.

— Рафиқам Ойнисахон Тошмухаммедова Миллий университетда хизмат қилади. У кимё фанлари доктори, профессор. Қизим Ойнур — Ойбек уйи музейида ишлаяпти. Қизим Юлдуз — биолог. Невараларимиз бор. Рафиқам ҳам, мен ҳам иш билан бандимиз. Ишимиз куплигидан бош қашинга ҳам вақт йўқ. Институтларда лекция ўқиймиз, хизмат сафарлари, борди-келдилар, ҳуллас, умримиз шу зайлда кечмоқда.

— Сизнинг мартабали олим даражасига эришиниңизда шу-бҳасис отангиз — ёзувчи Ойбекнинг хизматлари бисёр бўлса керак.

— Фикрингиз тугри. Энг биринчи устозим — дадам бўлган. У кишининг порлоқ хотираси фарзандлари, неваралари, умуман, сулоласи қалбида абадий қолади. Онам Зарифа Саидносир қизининг "Ой-бегим менинг" хотира китобида оиламиз ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Академик олим рупарасида ёзувчи Ойбек билан юзма-юз утириб, суҳбат кургандек бўлдим. Зеро, фарзанд — отанинг нуҳсиси дейдилар. Хизмат юзасидан академик Бекжон Тошмухаммедов билан танишганимдан мамнуулик туйдим. Ва қолаверса, Ўзбекистон фанининг улкан таянчларидан бирининг мулоҳазалари, эътирофлари "Маърифат" мухлисари ҳам бефарқ қолдирмас керак.

Суҳбатдош Хулкар ТҮЙМАНОВА

ФАН ҲАҚИДА СУҲБАТ

дейишади.

— Ўзбекистон олимларининг дунё миқёсида олиб чиқишга арзийдиган тадқиқотлари борми?

— Иллизимиз бақувват экан. Ибн Сино, Беруний, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Ал-Бухорий, эҳ-қе санасангиз алломаларимиз жуда куп. Улар бизнинг аждоғларимиз, бугунги авлодга уларнинг қони, сийрати бор. Генетика алоқа бор экан, Ўзбекистонда фан тараққиғи этаверди. Кейинги 20-30 йил ичида табиий фанлар соҳасида ривожланиш кузатилади. Академик Ёлқин Туракулов, геолог Иброҳим Ҳамроқулов, Ҳосил Фозиловларнинг фанга олиб кирган янгиликлари Европа олимлариникидан мулоқоқ кам эмас. Ҳосил Фозилов, Уткир Расуловларнинг ишлари давлат мукофотига лойиқ деб топилган. Ўзбек олимлари АҚШ, Англия, Бразилия, Ҳиндистон, Канада, Швейцария каби давлатларда тадқиқотлар олиб боришляпти.

— Дарвиннинг эволюцион ривожланиш таълимотини ёқлайсизми? Исломо таълимотида қандай муносабатдасиз? Ҳаётда улардан қай бири кўпроқ мавқеини эгаллаган деб ўйлайсиз?

— Эволюцион ривожланиш таълимотини ёқлаган ҳолда ислом дини мафқурасини ҳам қораламайман. Уларнинг иккинчиси ҳам тош босадиган таълимот. Исломо дини ҳам эзгулик, ҳалолликдан ташқари, бешиқдан то қабргача илм эгаллашни ўқтиради.

— Бугунги экологик ҳолат, Орол муаммоси бутун дунё жамоатчилигини ташвишга солмоқда, лекин ечим йўқ...

— Она Ер мувозанати чиндан ҳам бузилмоқда. Инсон ва биосфера уртасидаги мутаносиблик

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг илк босқичидамиз. Фан соҳасидаги илмий изланишлар дастур олдиға қўйилган талаблар билан қай даражада мос?

— Фан уз олдиға қўйилган вазифани имкон қадар бажармоқда. Тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ҳозир ёшлар даромадли соҳаларни кўпроқ танлашмоқда: иқтисод, савдо.

— Фанга эса ақл-заковати юксак ёшлар керак. Мен уйлайманки, бундай кадрлар бизда куплаб топилмайди. Илк босқич ҳали давом этади, натижа ҳақида ҳали ҳулоса чиқариш эртароқ шекилли.

— ЎзРФА тасарруфидаги илмий текшириш институтлари сони купу салмоғи йўқдай туюлади.

— Фанлар Академиясига қарашли 40 га яқин илмий-тадқиқот институтлари бор. Сон етарли, лекин салмоқ масаласида фан ожизлик қилиб қолмоқда. Олимлар янгиликни яратади, тавсия этади. Лекин уни ишлаб чиқаришда қўллашга эътибор йўқ. Албатта, бу республикамизнинг иқтисодий қувватига ҳам бориб тақалади. Мен юқорида ҳам таъкидлаб ўтдим: чорва моллари учун озука базасини ривожлантиришимиз даркор. Республика-миз аҳолисининг 60 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Мамлакатимиз ҳудудини куп мартабалаб кезиб чиққанман. Қаёққа қараманг, эл-улуснинг моли фақат темир, асфальт, тош йулар атрофидаги сийрак, губор урнашган, уг-уланларни қовшаб ётганини кураёсиз. Ахир, бу гиёҳлар тинимсиз утиб турган машиналар, поездларнинг тутунлари, улар таркибидagi захарли кургошнинг бир неча бор туйинган. Кургошнинг молларнинг организмидa туплана бориб, уларнинг сутини, гуштини ҳам огулайди, демек инсон ҳам захар-

Тақдир тушунчасига шарқона босиқлик билан ёндашувчи ўзбекларнинг ҳар бир воқеа-ҳодисадан ибрат олишнинг ҳадисини олганларига анча бўлган. Биз тақдирга ишонамиз, аммо тадбирдан асло чекинмаймиз. Яратилган имкониятлардан қурбимиз етгунга қадар фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талаба танловининг тест усулида амалга оширилиши шундай тадбирлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 апрелдаги 181-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикасининг айрим олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига тажриба тариқасида талабаларни тест асосида қабул қилиш белгиланди.

Шу қарорга биноан 1992/93 ўқув йилида 19 та олий ўқув юртларининг баъзи ихтисосликларига тажриба тариқасида талабаларни тест асосида қабул қилиш белгиланди. 1993 йил 5 февралда 6-рақамли "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига абитуриентларни тест асосида танлаш тўғрисида" қарори чиқди.

Мазкур қарорга асосан 1993 йилда республиканинг ҳамма давлат олий ўқув юртларининг барча, яъни кундузги, кечки ва сиртки бўлимларига абитуриентларни тест орқали танлаш усули ўрнатилди.

Замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қобилиятли ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув юртларига абитуриентларни сифатли танлаб олиш мақсадида жорий этилган тест усули Муствақил давлатлар ҳамдўстлигида биринчи бўлиб давлатимиз раҳбари томонидан узоқни кўриб таълим соҳасида амалга оширилган амалий ишлардан биридир.

Самимий қалб соҳиблари унча-мунчага бировдан хафа бўлмайдилар. Аммо бир хафа бўлсалар... Шунинг учун, беғубор, содда одамлар ишончини қозониш жуда осон ва бир вақтда ниҳоятда қийин. Харақтериди самимият устувор бўлган халқимиз тестни яхши умидларга қоришган ишонч билан кутиб олди ва бу ишонч йил-

дан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

1993 йилда олий ўқув юртларига кириш учун 88710 нафар, 1995 йилда 93754 нафар абитуриентлар (ўрта махсус ўқув юртлари билан 164800) тест синовларида қатнашган бўлса, 1999 йилга келиб олий ўқув юртларининг ўзига кириш учун 200000 га яқин ва ўрта махсус ўқув юртлари билан биргаликда эса 300000 нафар абитуриент тестдан ўтдилар.

Аввалига бу янги усулга ҳам анчайин ҳадикка мойил эътиборсизлик билан қараганлар бугун ўз қарашлари ижобий томонга ўзгарганини ўзлариям сезмаган ҳолда намоян этишмоқда. Абитуриентлар сонининг йилдан-йилга ошиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Тест саволлари 1993 йилда 2 та вариантда бўлган бўлса, 1996 йилдан бошлаб

жараёнларни ўзича таҳлил қилар экан, ишончга тўлиқ эътироф билан "Шундай бўлиши керак эди" деб қўймоқда. Бундай ишонч масъулиятини ҳис қилган Давлат тест маркази ҳам ўз фаолиятини йилдан-йилга такомиллаштириб бориш йўлида.

— Жамоамиз халқимиз ва давлат олдидаги юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда, — деди Тест Маркази бошлиғи Муҳсин Муҳидинов, — Ўзбекистонда жаҳон стандартларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш ва унинг самарадорлигини ошириш учун ўқув юртларига талабаларни танлаб олиш механизмининг такомиллаштириб, шунингдек, технологияларни янгиламоқда, мактаб битирувчиларининг тайёргарлик даражасини, улардаги билимнинг чуқур ёки саёзлигини ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини

DTM—etti yoshda

ларини ихтисосликлар бўйича кўпvariantли тизимга тушириш (гекнерация қилиш), кўпvariantли саволлар китобларини кўпайтириш, жавоблар варағини ўқиш ва натижаларини чиқариш жараёнлари машиналар ёрдамида тўлиқ амалга оширилади.

Тест марказининг кенг қиррали фаолиятига 1999 йилда АҚШ (Принстон) ва Туркия (Анкара) тест марказлари фаолияти билан танишиш, тажриба алмашиш чоғида хорижий мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ва берган баҳолари шуни кўрсатдики, республикада қисқа муддат ичида тестни ривожлантириш ишига маълум ҳисса қўшилган. Ўзбекистондаги тест тизимининг алоҳида фарқланувчи хусусияти унинг кўпvariantлиги ҳамда вариантлари компьютер технологияси асосида тузиш (синтезлаш)дан то натижаларни автоматик ишлаб чиқишчага бўлган жараёнларнинг тўлиқ автоматлаштирилганлигидир.

Тестология соҳасидаги илмий-назарий изланишлар ва тест технологияси бўйича тажриба алмашиш учун хорижий мамлакатларнинг етакчи мутахассислари иштирокида 2000 йилда халқаро конференция ўтказиш режалаштирилди.

1998 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Давлат тест маркази таркибиде Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалар аттестацияси бошқармаси ташкил этилди. Бошқарманинг асосий вазифалари бу кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва ўқув жараёни самарадорлигини холисона баҳолаш тизимини жорий этиш борасидаги изчил давлат сиёсатини амалга ошириш; ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз таълим тизими педагог, профессор-ўқитувчилари ва раҳбар кадрлари аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш қабилардир.

Янгилик — унутилган эскиликдир, деган гап бор. Тест — кўхна ва ҳаммани долзарб қадриятлар рағбатига учун дунёга келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Буни бугун каттаю кичик — барча англаб етди.

Хусан НИШОНОВ

ШУНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК ЭДИ

кўпvariantли системада ўтказилиб келинмоқда. Бу эса ўз самараларини бермоқда.

Давлат тест маркази фаолиятининг хориждаги айни шундай марказлариникидан фарқланувчи хусусиятларидан бири ҳам ана шунда. 1998 йилдан бошлаб тест маркази профессионал, яъни касбий тестларни ҳам тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ярата бошлади. Натижада тиббиёт ва педагогика олий ўқув юртларининг битирувчи курс талабаларининг давлат имтиҳонлари тест асосида ўтказилмоқда. Бундан ташқари, 1999 йилда сайловларга тайёргарлик жараёнида сайлов комиссиялари ходимларининг билимларини текширишда алоҳида тузилган тестлар ишлатилди.

Тест синовлари асосида ўқишга биринчи бўлиб кирганлар бугун турли жойларда меҳнат қилмоқдалар. Бу усул ёрдамида ўзига ишончи мустаҳкамланганлар эса энг юқори балларни тўплаб, чет элларнинг нуфузли ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Келажакка ишончи ортган халқимиз, унинг самимий, содда кишилари ҳам бу

мос равишда баҳолаш негизини яратувчи тест топшириқлари жамғармасини бойитиб бормоқда.

Ҳар йили тест якунларининг аънавага айланган таҳлили бўйича чиқариладиган "Тест якунлари" ва "Тест якунларининг дидактик аспекти" китобларида келтирилган натижалар хорижий мутахассисларда, энг аввало, ЮНЕСКО хузуридаги таълимни режалаштириш халқаро институти (Париж), Тест хизмати (Принстон, АҚШ) мутахассисларида катта илмий-амалий қизиқиш уйғотмоқда.

Тест якунларини ишлаб чиқиш орқали эришилган катта ҳажмдаги маълумотлар таълим тизимининг ўзига хос мониторинги ҳисобланиб, бу нарса таълимни самарали бошқариш, умумтаълим мактаблари битирувчиларининг тайёргарлик сифатини оширишга имкон беради.

Ҳозирги даврда Давлат тест Марказининг бутун фаолияти юқори даражада автоматлаштирилган бўлиб, ўқув юртлари қабул комиссияларидан маълумотларни олиш, уларни умумлаштиришдан бошлаб тест савол-

ТАЛАБА ИМТИҲОН ТОПШИРДИ

Талабаларнинг қишки семистри якунлашиб, ўқиш жараёни давом этмоқда. Таълимга жорий қилинган балл тизимининг қулайлиги, аҳамиятига тан берилди. Хўш, Тошкент Давлат Авиация институти умумтехника факультетидаги натижалар қандай?


Бу факультетда талабалар 1-2-курсда таҳсил олишади. Яъни мутахассисликни эгаллаш учун зарурий фанлар ана шу факультетда чуқур ва батафсил ўргатилиб, сўнгра бошқа факультетга бўлинган ҳолда давом эттирилади.

528 нафар талаба ўқув йили бошлангич таълимдан тўплаган балла-қишки синовга **Ягаюн** лари бўйича жалб қилинди. 1-курслар 10 та, 2-курслар 12 та фандан синов имтиҳонлари топширишди.

Сир эмаски, талабаларнинг ҳаммаси ҳам таълим олиш жараёнига бир хил муносабатда бўлавермайди. Айримлари борки, дарс ва амалий машғулотларга тўлиқ иштирок этмай, панд еб қолишади.

— Шу жиҳатдан олганда, бундай талабалар билан ҳам иш олиб боришга тўғри келади, — дейди факультет декани муровини Мансур Йўлдошев. — Уларга қўшимча дарслар ташкил этилаётир. Бир ҳафта муддат ичида белгиланган курслар бўйича имтиҳон ва синовларни топширишлари керак.

Ҳар бир ишнинг ўз вақтида бўлгани яхши. Албатта, қишки семестрдан ўтолмаган талабалар бошқа ўқув юртларида ҳам учрайди. Фақат уларнинг кўп эмаслиги кишига қониқши ҳиссини беради.



ТЕСТ — ИҚТИДОРГА ИМКОНИЯТ

Ўзбекистонимиз келажаги, унинг дунёга юз тутиши, ўзининг илмий имкониятларини тўла ривожлантириш мақсадида ёшлар таълим-тарбиясига, айниқса иқтидорларини ривожлантиришга қаратилган мақсадли режалардан бири — ўқувчиларни Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига тест синовлари орқали қабул қилишдир.

Муствақиллик меваси бўлган янги синов усули ва у орқали эришилаётган ютуқлар ҳамда шу соҳа бўйича тақлиф-истакларни ҳақида сўзлаб, Хоразм вилояти Хонқа туманидаги Жаҳон тилларини чуқур ўргатувчи 7-вилоят лицей-интернати директори, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, аълочилиги, олий тоифали ўқитувчи Р. Авезов шундай дейди:

— Бизнинг Хонқа туманидаги Жаҳон тилларини чуқур ўргатувчи 7-вилоят лицей-интернатимизда ҳар бир ўқув йили бошида, ўқув йилининг 1-ярим йиллиги ва битирувчи ўқувчиларнинг ота-оналари билан ўқув йили якунида фаолиятимиз атрофида аниқ фактлар билан таҳлил қилиниб, ҳар бир ўқувчимизнинг қайси фандан қанча савол тўғри, қанча хато ва умумий қанча балл тўплагани муҳокама қилинади.

Битирувчи ўқувчиларимизнинг билим салоҳияти қайси мутахассисликка мос ва ҳар бир ўқувчининг иқтидори қай даражадалигига қараб педагогик нуқтаи назардан йўналиш берамиз.

Шунга амал қилган битирувчиларимиз энг юқори баллар билан республикамизнинг нуфузли олийгоҳларида Давлат гранти асосида таълим олмоқдалар. Масалан, Равшан Очилов ТДИУ халқаро иқтисод — 204 балл (отаси — ҳисобчи, онаси — тарбиячи), Рашид Каримов ТДИУнинг маркетинг — 198 балл (отаси — ўқитувчи, онаси — уй бека-

Yangicha ish usuli

си). Улуғбек Ҳусайнов Тошкент авиация институти халқаро иқтисод — 194 балл (отаси — курувчи, онаси — уй бекаси). Хурсанд Абдуллаев — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика — 178 балл (отаси — ишчи, онаси — уй бекаси), Сардор Явқочев Нукус Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети — 171 балл тўлаб, талаба бўлдилар. Рўйхатни давом қилдириб ўтирмайликда, юқоридаги мисоллардан тест — адолат мезони эканлигини халқимиз яхши тушуниб етганига каффимиз.

Янги ўқув йили бошида ўтган йилги битирувчи ўқувчиларнинг тест якунлари ўртача балл, ўтиш бали, энг юқори балл, умумий баллар таҳлил қилиниб, навбатдаги битирувчи синф ўқувчиларига етказилади. Бундан ташқари ҳар бир фан ўқитувчисининг кўрсаткич самарадорлиги таҳлил қилинади. Бу таҳлил орқали эса ўқитувчиларнинг, яъни кадрлар танловига, ўқувчиға қанчалик билим бериш маҳоратига эга эканлигига баҳо берилиб, келгуси йили шу ўқитувчи билан меҳнат шартномаси тузиладими ёки йўқ, шу муаммо ҳам ҳал қилинади.

Тест таҳлиларидаги самарадорликка асосан ўқитувчиларимизни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни йўлга қўйганимиз. Ўтган 1998-99 ўқув йилида лицей-интернатимизни 44 нафар ўқувчи битказиб, шулардан 42 нафари — 95,5 фоиз ўқувчиларимиз талаба бўлиш бахтига муяссар бўлди.

Битирувчиларимизнинг самарадорлик кўрсаткичлари 1994 йилдан буён график кўрсаткичда чиқарилган. Шу кўрсаткичга асосан қатор ўқитувчиларимиз У.Жабборов, О.Арисбаева, С.Сеттиев, О.Султонов, Ж.Отабаев, С.Қурбонова, С.Самандаровларнинг таълим самарадорлигини оширишда хизматлари катта бўлди ва уларнинг тоифалари ўзгартирилди.

Битирувчиларга Тест технологияси ҳақида янада чуқурроқ тушунча бериш учун тақлифларим:

— Давлат тест маркази ва вилоят тест маркази ходимларининг чекка мактабларга сафарлари кўпайса;

— ҳар бир аудиторияни видеотасмага ёзиб олишни ташкил қилиш вилоят ва туман - шаҳар ҳокимиятларининг зиммасига юклатилса;

— танланаётган саволлар китобчаларида йўналтирилишидан қатъий назар ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича қийинлик даражаси айнан бир хил саволлар қўйилган. Бундан буён йўналишига қараб саволларнинг қийинлик даражаси эътиборга олинса.

Тест марказининг таҳлилари таълим соҳасини жуда чуқур олиб бориш, лозим бўлса ҳар бир ўқувчининг ўқитувчи ёки таълим даргоҳининг, туман, шаҳар ва вилоят халқ таълими муассасаларининг Давлат таълим стандартлари талаби даражасида таълим бериш фаолиятига илмий баҳо бериш учун асос бўла олади.



Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 84-мактабгача таълим муассасасида олиб борилган машғулотлар доимо жонли, қизиқарли, ҳаётий тарзда ўтади.
Суратда: инглиз тили машғулоти акс эттирилган.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

Собир Раҳимов туманидаги 458-“Чарос” болалар боғчаси нафақат кичкинтойларнинг, балки ҳудуддаги “Истикбол” маҳалла кенгашининг, ота-оналарнинг ҳам тез-тез учрашиб турадиган масканига айланган. Яқинда бу тарбия масканида “Соғлом авлод – юрт таянчи” мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда олийгоҳлардан, маҳалла кенгашидан, туман ички ишлар бўлимидан вакиллар иштирок этишди.

Унда маҳалла-хотин-қизлар кенгашининг раиси Матлуба Абдурахмонова “Бола тарбиясида маҳалланинг ўрни”, Абдулла Авлоний номидаги ХТХМОМИ ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди Маҳмуд Алимов “Тарбиячилар ва ота-оналар олдидаги долзарб вазифалар”, туман ички ишлар бўлими профилактика нозирини Абдурахмон Азизов “Оллоҳ барчамизнинг қалбимизда, юрагимизда” мавзуларида маъруза қилдилар.

Ўзаро мулоқотлар, маърузалар якунидан сўнг боғчанинг тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Фотима Содиқова ота-оналарга ўз иш услубидан, иш жараёнларидан сўзлаб берди. Зиёга ташна қалб эгалари бўлган болалар билан имкон қадар ота-оналар ҳам ишлаши керак, айниқса, бу борада онанинг ўрни бўлакча бўлади, дея таъкидлади тарбиячи. Шундан сўнг йиғилганлар бугунда 230 дан зиёд бола тарбия топаётган гуруҳлар ҳоналарида бўлишиб, Шарифа Латипова, Гулсара Юнусова, Света Бакирова, Люба Кондратова етакчилик қилаётган гуруҳлардаги изланишлар, қилинаётган ишлар билан танишди. “Биринчи ва иккинчи тайёрлов гуруҳидаги болалар иштирокидаги кўғирчоқ театри ҳали шахримизда ягона”, дейди боғча мудираси Шоира Насриддинова.

Учрашув қатнашчилари ушбу масканда олиб борилаётган ибратли ишлар билан танишар эканлар, фарзандларининг бу ерда ўтадиган умрлари беҳуда кечмаслигига амин бўлдилар.

Д. САЛИМОВА,

Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Болаларни тўғри тарбиялашда аввало, уларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар, ёш жиҳатидан даврларга хос хусусиятларини билиш муҳим ҳисобланади. Чунки, болаларнинг ҳар жиҳатдан тараққий этиши турли ёш даврларида турлича бўлади.

Бола камолотида бир неча босқич борки, бу босқичларнинг ҳар бири тарбиянинг ўзига хос шароитини талаб этади. Шунингдек, ҳар бир янги босқич бола олдида янги, юксак талаблар қўяди ва бу унинг янада камол топишига ёрдам беради. Боланинг камол топиши эса ижтимоий муҳит, жамият ҳаётидаги қонун-қоидаларга асосланган ҳолда кишилар фаолияти, меҳнат шароити таъсирида ўсади, улғаяди ҳамда биологик ва ижтимоий мавжудот сифатида тараққий этади.

Янги туғилган бола кўпроқ диққат ва парваришга муҳтож бўлиб, фақат иссиқ-совуқни, таъмин сезиш билан бирга, сезги аъзолари аста-секин тараққий эта бориб, тева-рак-атрофдаги нарсаларни ва уларнинг бир-биридан фарқланиши, ранги, шаклини англай бошлайди. Боланинг нутқи гўдақлик даврида ўса бошлайди. Бир-уч ёшгача бўлган даврда кўп жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлса-да ҳар томонлама ривожланади. Бу даврда хилма-хил ҳаракат ва ўйинлар бола ҳаётида муҳим ўрин тутади. Улар турли нарсалар билан шуғулланиб, қўлларини аниқ ва тўғри ҳаракатлантира оладилар. Болада ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг дастлабки кўникмалари пайдо бўлади. Бундай ҳаракатларнинг янада ўсишига қараб, боланинг билиш имкониятлари ҳам кенгайди.

Боғчагача тарбия ёшдаги болалар асосан катта ёшли кишиларга тақлид қилиб, улардан нусха кўчириш билан турли ҳаракатларни билиб оладилар. Бола 2 ёшга тўлганида тева-рак-атрофдаги кишиларнинг гапларини тушуна бошлайди. 3 ёш

бўлганида эса улар катта ёшдаги кишилар гапларининг деярли аксариятини тушунади ва берилган саволларга тушунган ҳолда жавоб қайтаришни ҳам уддалайди. Ўзидан катталарга кўп саволлар беради. Бу ёшда болалар ҳаракатларининг ўсиши баробарида улар тафаккурининг ўсишига дастлабки сифат ўзгаришлари рўй бера бошлайди. Энг муҳими, улар ҳар нарсани қизиқади, ҳавас билан қарайди. Айниқса, воқеа-ҳодисаларга жуда қизикувчан бўлганлиги боис, кетма-кет саволлар бера бошлайди. Бу саволларга катталар мумкин қадар аниқ, тўғри жавоб бериши, уларнинг тушунчаларини бойитиши, кузатувчанлиги ва мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беришлари лозим.

ҲАР БИРИ — БИР ОЛАМ

Шуни унутмаслик керакки, бола нарсани ҳар қанча қизиқса ҳам бир иш билан узоқ вақт шуғуллана олмайди. Диққатини бирор нарса устига узоқ вақтгача тўплашга қийналади. Чунки уларнинг фикри мустақам, барқарор бўлмайди. Шундай бўлса ҳам, бу ёшдаги бола кўпроқ хаёл қилишни, атрофдаги кўрган-билган, эшитганларини ўйинларда ҳамда расмларда акс эттиришни яхши кўради. Турли материаллардан ҳар хил нарсалар куриши ва яшани хоҳлайди. Демак, боланинг билиш фаолияти фаолаша бошлайди. Бунда уларнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ва меҳнат тарбияси билан бирга эстетик эҳтиёжини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Чунки нафосат тарбияси бола туғилганидан бошлаб умрининг охиригача унга ҳамроҳдир.

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулоти болаларни ҳар жиҳатдан тарбиялашда муҳим аҳами-

ят касб этиб, уларга анъаналарни англаш, барча умуминсоний сифатларни ўзига мужассамлаштиришга ёрдам беради.

Расм ишлаш, лой ва пластилиндан турли буюмлар ясаш, қирқиб-ёпиштириш каби машғулотлар болаларнинг энг сеvimли фаолиятларидан бири ҳисобланади. Тарбиячи болаларнинг бағдий фаолиятига шундай раҳбарлик қилиши керакки, болаларда бу фаолиятга нисбатан эмоционал ҳис-туйғулар пайдо бўлсин, ўртоқлик, дўстлик, ўзаро ёрдам каби эзгу ҳислатлар уйғонсин. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони тарбиячидан чуқур билимга эга бўлишлик талаб этилади. Тарбиячи бола қобилиятини ўстириш йўлларида моҳирлик билан

этибор берса, болалар қизиқиши ва ижодкорлигини қувватлаб, унга ишонч билан қараса, таълим жараёнида болага чуқурроқ таъсир кўрсатиши шунчалик самарали бўлади.

Тарбиячининг вазифаси болалар бағдий билимини маълум йўналишда шакллантиришдан иборатдир. Бунинг учун болаларнинг тева-рак-атрофдаги ҳаёт, табиат ҳодисаларини кузатиши, гўзалликни кўра билишига имкон яратиши, шунингдек, илк ёшдаги болаларни тасвирига ўргатиш тўғрисида билгим бериш билан эмас, балки кўпроқ турли ўйинлар ёрдамида мустақил ишлаш орқали амалга ошириш зарур бўлади.

Тасвирий фаолиятда кўпроқ ўзбек халқ амалий санъати буюмлари ва асарлари билан болаларни таништириш, айниқса, уларга сопол буюмлар (кўза, лаган, пиёла, чойнак ва ҳоказо) тўғрисида тушунча бериш, машғулотларда эса халқ ўйинчоқларидан, ўсим-

Мактабгача та'лим

ликлар, гуллар, барглари, мевалар тасвиридан фойдаланишга эътиборни қаратиб, улар иқтидорини шакллантириш, нафосат туйғусини кучайтириш, ижтимоий борлик, табиатга бўлган илк муносабатни таркиб топтиришга яхши замин яратади.

Илк ёшдаги биринчи гуруҳ болаларида оқ қоғоз юзасида ниманидир чиза олиш кўникмаси шакллантирилади. Турли нарсалар асосида оддий нақшлар тузишга ўргатиш орқали уларда амалий ҳаракат қилиш кўникмаси ҳосил қилинади. Нарсаларнинг катта-кичиклиги, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак, овал сингари шакллар хусусида тушунчалар берилади. Улар ҳаворанг, қизил, сарик, яшил, оқ ранглари билан оладилар. Мўйқалам ёрдамида штрихлар, тўғри ва эгри чизиқлар, ўтлар, сув томчиларини, изларни, қисқа ва узун йўللари расмини ишлаш, катта-кичик барглари нақшлар тузиш, лой ва пластилиндан эса нон, тухум, олма, ёнғоқ, думалоқ конфет, таёқчалар тасвирини ясаш, қушлар, паррандалар, гуллар, меваларнинг қирқиб тайёрланган тасвириларини кетма-кет тартиб билан жойлаштириш, энг соғда уй-рўзгор буюмларидан фойдаланиб турли нақшлар тушириш, кубиклардан уйчалар, деворчалар, майда тошчалар, ҳўл қумдан турли нарсалар шаклини, ташлаб юбориладиган материаллардан эса ойна, сандиқча, стол, стул шаклини куриши ва яшани ўзлаштира борадилар. Болаларнинг тасвирий фаолияти уларнинг ёш хусусиятларига кўра мураккаблаштириб борилади.

Ойсоат ХУДОЁРОВА,
ЎзПФИТИ катта илмий ходими,
педагогика фанлари номзоди,
Муқаддас ОДИЛҚОРИЕВА,
Республика ёшларининг
“БИОЭКОСАН” ўқув-услубий
мажмуаси бўлим бошлиғи

14 fevral — Zahiriddin Muhammad Bobur tavallud topgan kun

Бу кўхна дунё асрлар давомида инсоният тарихи, маданияти ва маънавиятини юксалтиришда бекиёс хизмат қиладиган буюк сиймоларни, Оллоҳ томонидан ахён - ахёнда иноят этади, чоғи. Буюк шахсларнинг дунёкараши, ижоди, фикр кўлами фақат ўзи яшаган давр, ўзи мансуб миллат ва мамлакат учун эмас, балки асрлар давомида барча халқларнинг маънавий хазинаси бўлиб қолади. Ибн Сино, Фирдавсий, Жомий, Навоий қатори Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) ҳам ана шундай буюк сиймолардан. Биз, XX аср сўнгги йили — XXI бўсағасида яшаётган авлод нега Бобур шахсияти ва ижоди билан қизиқамиз, уни ўрганамиз? Қисқа, 47 ёшли умри мобайнида бобоси Амир Темурнинг улкан салтанати яхлитлигини асраш учун кураши учунми? Ёки 12 ёшдан бошлаб юртма - юрт кезиб, баъзида чекиниб, асосан ғалаба қозониб Бобурийлар салтанати номи билан аталган империя яратгани учунми? Жаҳон маданияти хазинасининг дурдонасига айланган "Бобурнома"ни, туркий аруз шеър санъати ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган "Мухтасар" ("Аруз рисоласи") асари, мислсиз шеърый девони, "Рисолаи Волидийа"нинг туркий таржимаси, 300га яқин фалсафий рубоийси, солиқ, вақф ҳуқуқига оид "Мубаййин" асарини яратганлиги учун ўрганамиз? "Бобурнома" — муаллифнинг ҳаёт дафтари. Унда Бобурнинг орзу - армонлари, ҳаёт машаққатлари шодон кунлари, ушалган армонлари амалга олмаган орзулари ўз аксини топган. Келинг, "Биз Бобур ижодини нега ўрганамиз?" деган саволга шу мўтабар манбадан жавоб қидириб кўрайлик. Балки Бобурни бутун умри давомида фақат рост сўзни айтгани, рост сўзни битгани учун қадрлармиз? Дарҳақиқат, асарда аллома ким ва нима ҳақида сўз юртган бўлмасин, фақат ҳақ гапни айтган. Амир Темур салтанати яхлитлигини орзу қилган Бобур теъмурий шахзодалардан кимда - ким бу мақсад борасида хилоф сўз айтган, ундан ўзини четга олган бўлса, ошқора танқид қилган. Уларни ислоҳ этиш йўлини қидирган. Хусусан, Хусайн Бойқаронинг Хиротдаги фаолияти ҳақида: "хар кимнингким бир ишига машғуллиги бор эди, ҳиммат ва ғаразли ул эрдиким, бу ишни камолга еткургай" дер экан, бу — теъмурий шахзода учун берилган юксак баҳоedir. Бирок Бобурга Хусайн Бойқаронинг теъмурийлар салтанатини Шайбонийхондан яқдиллик билан ҳимоя этишда ўзини четга олиш кайфияти мутлақо ёқмаиди: "Султон Хусайн мирзодек Теъмурак ўрнига ўлтургон улуг подшоҳ ганимининг устига юрмакни демай, ер берикитмакни деса, эл ва улусқа не умидворлик қолгай?" Фақат бугина эмас, Бобур Хуросон инқирози сабаби Хусайн Бойқаро салтанатидаги маишатбозлик оқиба-ти эканини таъкидлайди. Бунинг Хусайн Бойқаро тирклигида билдирилгани инобатга олсак, Бобурнинг ростгўйлиги нақадар ижтимоий, сиёсий моҳиятга эга бўлгани янада аён кўринади. Ёки биз Бобур ижодини шахсиятидаги юксак инсоний туйғулар учун ўрганамизми? Бобур давлат сиёсатини бузмаслик, теъмурий зодагонлар орасига нифоқ солмаслик учун ҳатто энг оғир дамларда ҳам одамларни кечира олган, шахзода ва бекларнинг номавқул ҳаракатлари, тож-тахт учун талашишларини ёқламаса-да, ён босган. Уларга яхшилик қилиш, шох авлоди номига ёмон сўзларни раво кўрмаслик ҳам Бобур шахсиятининг юксак фазилатини аён этади. Чунончи, Муҳаммад Хусайн мирзо на инсоф ва на шариятга кўра кечириб бўлмайди-ган иш қилади, яъни ўзгалар маҳрамхонасига сўроқ-сиз қиради. Унинг бу қилмиши Бобур нафсониятига қаттиқ теккан бўлса-да, иснод ўз қариндош-уруғларига ҳам бориб тақалишини инобатга олиб, гуноҳкорни жазолашдан ўзини тияди: "Боре ба хар ҳол Муҳаммад Хусайн мирзони хонининг тўшақхонасидан топиб, аркта менинг қошимга келтурдилар. Мен бурунгидек ўқ таъзим қилиб кўптим, хили ҳам дурушт юзга келмадим. Муҳаммад Хусайн мирзоким мундоқ зишт ва шаниё ҳаракотга иқдом қилди ва бу навъ шўр ва фитнаангиз ва бунёдига эҳтимом айлади, агар пора қилсам, ери бор эди, турлук-турлук азобу укубат била ўлмакка сазовор эди. Чун орада бир навъ улуг-лук бўлб эди, менинг туққон холам Хўб Нигорхоним-

дин ўғлонлари ва кизлари бор эди, **бу ҳуқуқни ёд қилиб** Муҳаммад Хусайн мирзони озод қилдим" (Таъкидлар бизники — Х.Қ.).

Ёки Бобур ижодини биз унинг шох бўла туриб, кўпинча ўзини эл, черик билан баробар туттишдай олий инсоний хислати учун ўрганамизми?

Бобур Андижонни тарқ этиб, Афғон ерларида юрганида, Хиротдан Қобулга қайтиши қиш вақтига тўғри келади. Хафталаб ёққан қор ва совук бир тўда отликларнинг илгарилаб ҳаракат қилишларини оғирлаштиради. Бобур ана шу машаққатларни тасвирлар экан, инсон иродаси, унинг табиат қаршиликларига бардоши ва пировардида бу қаршиликларни енгишини жуда жонли, ҳаётий тасвирлайди. Бу лавҳада шох Бобурнинг черикка кўрсатган намунаси диққатга сазовор. Энг муҳими, Бобур ўзига йўл очувчиларга раҳмдил муносабатда бўлади, ўзи ҳам одамлар қатори қорни кураб, йўл очади. Иккинчидан, "Бобурнома"даги шу парчада муаллифнинг оғир вазиятдаги иродаси, кишиларга муносабати, дунёкараши ҳам ўз аксини топган: "Бир ҳафтага ёвуқ қор тепиб, кунда бир шаръий бир ярим шаръий ортуқ кўчумас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосимбек эди, икки ўғли Тенгриберди ва Қанбар Али билан яна икки-уч навқари ҳам бор эди. Ушбу мазкур бўлғонлар яёқ юруб қор тепар эдук, хар киши етти, саккиз-ўн қари илгари юруб қор тепар эди. Хар қадам кўйғонда белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эдик, маҳал ул эмас эдиким, кишига тақлиф ва зўре қилилгай, хар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса бундоқ ишларни ўзи билиб қилур".

Шароитнинг ниҳоятда оғирлигини билган Бобур, саркардалигига қарамай, буйрук, пўписи қилишни ортиқча

БОБУР ИЖОДИНИ НЕГА ЎРГАНАМИЗ?

билади, хар кимни ҳиммати, виждонига қўйиб беради. Бу тадбир, биринчидан, Бобурнинг оғир вазиятларда ўз эли билан ҳамдардлигини билдирса, иккинчидан, унинг саркарда сифатидаги тактикаси, одамлар кайфияти, руҳиятидан чуқур баҳардорлигидан далолат беради.

Бобур наздида навқар, бекларнинг садоқати, садоқат билан тақдирланиши керак. У ҳамиша ана шу ақидага содиқ қолган. Дўстбек исмли навқари ҳақида шундай ёзади: "Сешанба кечаси ойнинг бешида Дўстбекким, йўлда тунда иситиб эди, тенгри раҳматига борди. Басе мутаассир ва мутаъллим бўлдук. Дўстбекнинг наъшини (жасадини) Фазнига элтиб, Султоннинг равзасининг эшикиннинг олдида қўйдилар. Дўстбек хили яхши йигит эди, беглигида ҳануз тараққий қилур эди. Беглигидан бурун ичкиликларидан неча қатла яхшилар борди..."

Бу парчада киши диққатини тортадиган, "Бобурнома" муаллифининг маҳорати ва ички дунёсини очадиган нозик жиҳатлар бор. Бобур "неча қатла яхшилар борди" дейиш билан Дўстбекнинг ўндан ортиқ жанг майдонларида голиб келгани, билаклари қилч ўйнатши учун яралганини айтиб, бу мард, шижоаткор жангчи ўзини неча ўлимлардан қутқаргани, доимо вафодор бўлиб қолганини ёзади. Дўстбек мисолида Бобур ўз даврининг бек, амир, лашкарбошилари характерини очади, вафо қилган саркарда ҳамиша унинг инъомларидан четда қолмагани, вафотидан кейин ҳам ҳурмат-эҳтиромда бўлишини таъкидлаб, "Дўстбекнинг вафотидан сўнгра вилотини иниси Мирим Носирга иноят қилдим", дейди. Бобур китобхон онгига садоқатли бегининг вафодорлигини сингдиришга ҳаракат қилар экан, бу билан унинг сифатларига яқун ясамайди. Дўстбекнинг ўлими ўзи ва атрофдагиларни "басе мутаассир ва мутаъллим" этганини айтиб, Бобур ана шу кадр рамзини нозик ифодада баён этади. "Бобурнома"да ёзилишича, Дўстбекнинг жасади Гулкина шахридан анча узоққа — Фазнига, Султон Маҳмуд Ғазнавий қабри — зиёратгоҳи ёнига дафн этилади. Бу билан Бобур садоқатли дўсти, моҳир жанг-

чисини бир вақт Хуросон ва Мовароуннаҳр, Яқин Шарқ ва Ҳиндистон вилоятларини босиб олган машҳур султон Маҳмуд Ғазнавий билан тенг қўяди.

Ёки биз Бобурни адабиёт ҳомийси, шоир, бастакор ва тасвирий санъат, китобат илмининг билимдонни бўлгани учун ўрганамизми?

Бобур Алишер Навоийдан сўнг Хуросон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонда қалам аҳлининг ҳомийси сифатида туркий тил ва адабиёт ривожига улкан ҳисса қўшган адибдир. Унинг бошқа кишилар ҳақида рост фикрларни баён этиши, бадийий, тарихий асарларга ҳолисона баҳо бериши кўп жиҳатдан ХУ-ХУІ аср адабиётидаги ҳақиқий ахволни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, ўша даврнинг тазкира ва манбаларида (ҳатто Навоийнинг "Маҷолисун-нафоис"ида) фақат ижобий фикр билдирилган шайхам Суҳайлий ижоди ҳақида: "Бир тавре шеър айтур эди. Кўркудек алфоз ва маоний дарж қилур эди" деса, Хусайн Бойқаро ижодига: "баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони тамом бир вазндадур" деб баҳо беради. Шу қатори, Бобур кўплаб шоир, тарихчи, бастакорни ўз қаноти остига олиб, уларга моддий, маънавий кўмак беради.

Балки биз Бобур ижодини улуг шоирнинг инсонпарварлиги, элпарварлиги учун ибрат тариқасида ўрганамизми?

Бобур Афғонистонни забт этиб, Ҳиндистон сари бораётганда Нингархор шахрида амакиси Улуғбек мирзонинг бир боғи борлиги, ҳозир бу боғда бир кампир яшашидан хабар топади ва бориб боғни, унинг эгасини кўради. Боғнинг теъмурийлар хонадонига мансублиги боис унда яшаётган кампирни чиқариб, мулкка эгаллик қилиши мумкин бўлган ҳолда Бобур, юксак инсонпарварлик хислатини намоён этади: кампирга бундан-да гўзал боғ ва боғ нархидан ўн чандон ортиқ зар ҳадя этиб, ризолигини олиб, кейин боғни ўз тасарруфига киритади. Яна бир мисол: ўзига бир неча бор хиёнат қилган Хисравшоҳга ўн бир марта хатоликка йўл қўйса салтанатидан фориг этишини айтади ва ўн бир гуноҳини бўйнига қўйгандан сўнггина (шунда ҳам кўп бойлик ва аскарлар бериб), уни юртдан маҳрум қилади.

Ёки биз Бобурни, унинг ижодини беҳисоб боғ-роғлар, мейморий обидалар кургани, обод этгани учун, авлодларга Қобулдаги Боғи Бобур, Нингархордаги Боғи сафо, Қандаҳордаги Чил зина, Чорбоғ, Ҳиндистондаги Чорбоғ, Айвони калон, Боғи нулфар, Аградаги Зухра боғ, Ром боғ, Ҳашт биҳишт боғлари, Санб-ҳалдаги Жомеъ масжиди, луддийлар қалъасидаги масжид, Ғазидаги Султон сув омбори ва бошқа обидаларни қолдиргани учун севиб, ўрганамизми?

Ёки Бобурни араб графикасидаги "Хатти Бобурий" — янги турк тили фонетик жиҳатларини инобатга олган, ўрганилиши соддалаштирилган алифбонини яратгани, фарзандлари Хумоюн, Ҳиндол, Гулбаданбегим, Аскарларга ҳамиша аҳил, садоқат ва меҳр билан яшашни, эл дардига дармон бўлишини васият ва насиҳат қилгани учун қадрлаб, ўрганамизми?

Биз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди, айниқса, унинг "Бобурнома" асарини ўқирканмиз, юқоридаги каби ўнлаб саволларга жавоб топамиз. Аллома мероси 30 га яқин фан соҳаларидаги жумбоқлар, фараз ва қарашларга жавоб беради, ойдинлик киритади. Шунинг учун ҳам тўрт ярим асрдан бери бутун Шарқу Фарб олимлари "Бобурнома" ва унинг муаллифи ҳаётини ўрганиб, ҳайратга тушиб, ибрат олиб келмоқдалар. Зеро, Бобур умрининг ўзи сермасхул, ибратга арзиғулик, садоқат, вафо ва эл дардига малҳам шахс умридир. Шу боис биз уни ўрганамиз, ҳавас қиламиз, ҳайратга тушамиз. Унинг мазмунли, ҳайратомуз умри, бекиёс адабий, тарихий меросини ўрганиб, мактаб ўқувчилари, институт талабаларига етказиш — маънавийтимизнинг соф булогидан мириқиб сув ичгандек ҳаловатлидир.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
ТВДПИ ректори, филология фанлари доктори.

Бугунги кунда мутахассис бўлмаганлар ҳам яхши тасаввур қиладики, Андижон шахрини оқар сув билан таъминлаш Андижонсой зиммасида. Ундан Хортум ариқ, Хутон ариқ, Хакан ариқ ва бошқа сув тармоқлари сув эмади.

Бирок Андижонсой суви XVI асрда Ушдан бошланганлигини купчилик билмаса керак. Бу ҳақда бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур узининг бебаҳо мероси бўлмиш "Бобурнома" (Тошкент, "Юлдузча", 1989 йил)да шундай ёзади: "Андижон руди (дарёси - Ж.Х.) Ушнинг маҳолати (маҳаллалари - Ж.Х) ичи бирла утиб, Андижонга бор" (6-бет).

Демак, Бобур замонида Андижонсой ўз сувини ҳозиргидек Кампирровотда Қорадарёдан олган эмас, балки Уш шаҳри ичидан оқиб утувчи Ақбуёра дарёсидан олган. Бу борада бобомиз Бобур берган маълумотга шубҳа билан қарашга ҳеч асос йўқ. Чунки Бобур нафақат уз юрти — Фаргона водийси, балки бутун Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон ҳудудлари-

ни яхши билганлиги билан дунёни лол қолдирганлиги ҳақиқатдир. Демак, Бобурнинг адашганлиги ёки хатога йўл қўйганлиги мумкин эмас. Қолаверса Бобур юқоридаги фикрини "Бобурнома"нинг яна бир жойида: "Андижон суий Ушдан келур, Аҳси суийи Косондан келур?", деб яна ўз фикрини мустаҳкамлайди.

Ушбу масаланинг моҳиятидан

жасида, шунингдек, Ақбуёра сувининг ҳаёт эҳтиёжлари туфайли бир неча тармоқларга бўлиниб кетиши оқибатида сувининг камайиши Андижонсойга сувнинг бошқа манбасини излаш ҳисобига Қорадарёдан сув олиш ташкил этилган бўлиши мумкин. Яъни Шаҳрихонсой қурилиши натижасида Жалолқудук ва Хужабод туманлари чегараларининг Ақбуёра билан кесишган жой-

буйича ҳозирда ҳам ер юзасида мавжуд бўлган дарё узани (чуқурлик) шундан далолат беради.

Шу билан бирга яна бир нарса — Андижондан Ушга борадиган йўл ҳақида ҳам фикр юриштириш уриниб, деб ҳисоблаймиз. Яъни, "Бобурнома"га асосланган ҳолда Андижон — Уш йулининг Андижон — Хужабод қисми ҳозирги мавжуд йўл йуналишида бўлмаган дейишга асос

га олсак, "Харобук била Фаргонанинг оралигиндаги пушта" (Йул - Ж.Х.) ҳозирги Андижонсой ёқаси бўлиши табиий. Аксинча, Хортум, Зоврак қишлоқлари тилга олинган булур эди.

Юқоридагилар асосида Андижон — Уш йули XVI асрда Андижонсой ёқасидан бошланиб, ҳозирги Жалолқудук туманининг "Пахтакор" жамоа ҳужалиги орқали Хужабод қишлоғи (шаҳар)га, сўнг Ақбуёра сойи бўйлаб Уш шаҳрига кириб борган бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

"Бобурнома"да берилган баёнлар асосида Андижонсой ва Андижон — Уш йуллари ҳақида баъзи фикрларни келтирар эканмиз, уни аниқ, тулиқ ва мукамаллигига даъво қилмаймиз, бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ҳурмат ва эҳтиром белгиси деб, уни чуқур урганиш, таҳлил қилиш ва таққослаш орқали Фаргона водийсининг XVI асрдаги сув ва алоқа йулларининг тарихини тиклаш муҳим масала бўлиб, у ҳам тарихий, ҳам илмий аҳамиятга молик деб ҳисоблаймиз.

Жўрабой ХАЛИЛОВ

«БОБУРНОМА»ДА АНДИЖОНСОЙ ҲАҚИДА

келиб чиққан ҳолда иш курсак, бошқа бир савол туғилади. Яъни, XVI асрда Андижонсой ўз сувини Ақбуёра — (Уш)дан олган бўлса, нега ҳозирги кунда у сувини Кампирровотда Қорадарёдан олмақда? Худуд ер юзасининг тузилиши ва инсон амалий фаолиятига оид масалаларни таҳлил қилиш орқали қуйидаги ҳулосага келиш мумкин. Яъни, XVI асрда — Бобур замонида Андижонсой ўз сувини Уш (Ақбуёра)дан олганлиги рост. Бирок Шаҳрихонсой қурилиши нати-

ида сув Шаҳрихонсойга қушилиб кетган. Андижонсой эса ўша вақтлардаги Кампирровотдан бошланган ариқ узанини кенгайтириш ҳисобига ўз сувини ола бошлаган бўлиши керак. Шаҳрихонсой қурилгунга қадар Ақбуёра суви ҳозирги Хужабод туманидаги "Ўзбекистон" жамоа ҳужалигининг Хужабод шаҳри худудидан Жалолқудук туманининг "Пахтакор" жамоа ҳужалиги орқали Андижонсойга сув бериб турган бўлиши мумкин. Чунки шу йуналиш

бор. Бобур бундай изоҳлайди: "Хокан ариги улуг шохжуйдур ва чуқур оқар, хар еридан кечиб бўлмас, тангри рост келтурди, бу аригининг бир гузарига туп тўғри — уқ келдук. Ариғни кечга, Дуст Носирнинг оти заифроқ эрди, йиқилди, туриб они отлантуруб Харобук била Фаргонанинг оралигиндаги пушта била Уш сори бордук" (97-бет). Ушбу сатрлар "Бобурнома"да таъкидланганидек, Андижон Аркининг жанубий тарафидаги ҳозирги Хакан худудига оидлигини инobat-

Бу йил мамлакатимизда **Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллиги кенг нишонланади. Абу Мансур ал-Мотуридий (тўлиқ номи Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ханафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий) ислом динидаги суннийларнинг икки йирик оқимларидан бири бўлмиш Мотуридий оқимининг асосчиси, фикҳ ва калом илмининг етук намояндаси ҳисобланади. Шунга қарамасдан, унинг мероси тўлиқ ўрганилмаган, кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам асосан хорижий мамлакатлар кутубхона ва кўлёмалар фондидида сақланади.**

Лекин асосийси бу эмас. Ал-Мотуридий юртимизнинг кўхна Самарқанд ҳудудидида туғилган, яшаган ва шу заминга мангу бош кўйган. Унинг ҳаёти ва мероси биз учун бегона эмас, балки қондош, маслақдошидир. Унинг илмий, ухровий салоҳияти юрт тупроғига синган, довруғини дунёга танитган. Бу кутуб саодат. Саодат эса доимо жозиба касб этган, сирли, инсонларни ўзига тортувчидир. Ал-Мотуридийга бўлган қизиқишимизнинг боиси ҳам шу. Сўхбатдошим — Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти илмий ходими Шовосил Зиёдов алломанинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тадқиқот олиб бораётган ёш олим. У билан ал-Мотуридий ҳаёти ва меросининг тадқиқ этилаётган қирралари ҳақида сўхбатлашдик.

— Шовосил, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг мероси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Шунга қарамасдан, бу алломани бутун ислом аҳли, Оврўпо олимлари катта ҳурмат билан тилга олишади. Келинг, сўхбатимизни ал-Мотуридий ҳақида, у яшаган давр ва меросидан бошласак.

—Маълумки, VII аср охирида арабларнинг Марказий Осиёга кириб келиши ушбу минтақада аста-секин ислом динининг тарқалишига сабаб бўлди. Ислам динининг Мовароуннаҳр халқлари маданияти аъёнларини ўзлаштириб олиш хусусияти унинг маҳаллий муҳитга сингиб кетишига ва маҳаллий халқлар учун "ўз динига" айланишининг асосий сабабларидан бири бўлди. Ислам дини ва маданиятининг Мовароуннаҳрдаги узоқ давом этган, зиддиятли ва ҳар томонлама бой тарихи кўп сонли ёзма ёдгорликларда ўз аксини топди. Фикҳ бўйича қўлланилган, фатво тўпلامлари, ҳадис, тафсир ва калом илмларига оид асарлар шулар жумласидандир. Фикҳ (ислом қонуншунослиги) илми борасида ҳам марказий осиелик олимлар катта муваффақиётларга эришганлар. Бу соҳада мусулмон дунёсида анча шуҳрат қозонган Абу Лайс ас-Самарқандий (вафоти 983 йил), Фахр ул-ислом ал-Паздавий (вафоти 1089 йил), Алоуддин ас-Самарқандий (вафоти тах. 1145 йил), Бурхониддин ал-Марғиноний (вафоти 1197 йил) кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ислам динининг яна бир тармоғи ҳисобланган калом илми ҳам Мовароуннаҳрда юксак даражада ривожланган диний илмлардан биридир. Бу борада Ханафий мактаби негизда шаклланиган Мотуридий калом мактабини айтиб ўтиш лозим. Ушбу мактабнинг асосчиларидан бири Самарқандда яшаб ижод этган ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридийдир.

Буюк калом олими Абу Мансур ал-Мотуридий асли Самарқанднинг Мотурид қишлоғида (ҳозирги Жомбой туманида) туғилган бўлиб, унинг нисбаси шундан келиб чиққан. У кишининг барча устозлари машхур олим Абу Ханифанинг (яъни Имом Аъзам) талабаларидан тахсил олганлар. Улардан маълумлари Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ал-Йодий каби фақиҳ ва калом олимларидир. Абу Мансур ал-Мотуридий Самарқандда 944-945 йилда вафот этган бўлиб, шу шаҳардаги машхур шахслар қўйиладиган Чокардиза қабристонида дафн этилгандир.

— Сўзингизни олганим учун узр. Шу ўринда калом илми ва мактаби ҳақида тушунча берсангиз...

— Калом илми ўрта асрларда фалсафий-диний фикрларни, диннинг назарий асосларни ўрганиш, ислом ақидаларига нисбатан ақлий мулоҳаза юритиш жараёнида вужудга келган махсус билимлар тизими

мажмуидир.

Калом — илмул калом атамаси кенг маънода ўрта асрлар мусулмон адабиётида диний-фалсафий мавзуларда (шу жумладан, насронийлик ва яҳудийлик динларида ҳам) эркин фикр юритишларга нисбатан қўлланилган, тор маънода эса ақидапарастлик, яъни динда обрў-этиборли ҳисобланган шахслар (пайғамбар, саҳобалар)га тақлид йўли билан эмас, балки, Куръон ва сунний таълимоти ни ақл-идроққа мос талқин этиш, тафасуфга сўяниб иш юритишга нисбатан ишлатилган. Мутакаллимлар (калом илми вақиллари) ва файласуфлар орасидаги фарқ, уларнинг мавжуд масалаларни таҳлил қилишда тутган мавқеларидадир. Мутакаллимлар уни ечишда ислом қонун-қоидалари ҳисобланган Куръон ва ҳадисга сўянадиган бўлсалар, файласуфлар эса антик услуб, яъни инсон соҳиби бўлган ақлни бирламчи қилиб оладилар. Калом дастлаб исломда мавжуд бўлган турли сиёсий-диний фирқалар (хаворижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржибийлар)нинг ўзаро мунозаралари ва бошқа дин (маздакийлик, насронийлик) вақиллари билан бахслашишлари жараёнида шаклланди. Ушбу тортишувларнинг натижасини Куръон тафсири ва ислом арбобларининг у ёки бу соҳада қилган амаллари талқини ташкил қиларди. Шулар асосида калом илмининг дастлабки белгилари вужудга келди: Аллоҳнинг ягона вужудлиги ва унинг сифатлари; қазо ва қадар (инсон тақдири); ўтган пайғамбарларга имон келтириш ва шу қаби

билан ёндошилди. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, даставвал, ўзининг келажакдаги тараққиёти учун барча жабҳаларда, айниқса, миллий мафкура яратиш мақсадида ажодлар меросини ўрганишга, бир неча асрлик бой қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, "бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда муштаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди". Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу масала ҳукуватимиз томонидан давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Собиқ тузум даврида ҳайит байрамлари, ҳаж маросимлари, фитр садақа, масжидга бориш каби диний маросимларга секин-аста чек қўйила бошланди. Аждодларимиз маданий меросига ҳам шу принциплар асосида ёндашилиб, уларнинг табиат, жамият, инсон ҳақидаги — ҳамма вақт долзарб бўлиб келган муаммога нисбатан — илмий дунёқарашлари тўлалигича очиб берилмади.

Ҳозирги кунда республикамизда миллий қадриятларни ўрганиш долзарб масалалардан бирига айланди. Табиийки, тадқиқотларда уларнинг тарихига мурожаат этиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бой миллий қадриятларимизнинг тарихини ўрганмай туриб, уларнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш ва келажак ҳақида фикр юритиш қийиндир. Ди-

ҳатдан ҳам соғлом бўлишига ёрдам беради.

—Тадқиқотингизнинг сўнгги натижалари хусусида гапириб берсангиз.

—Бажонидил.Изланишлар борасида шундай қизик маълумотларга дуч келдикки, Ал-Мотуридийнинг наслидан яна бир йирик фақиҳ олим етишиб чиққан экан. Бу унинг набираси Абу-л-Ҳасан Али ал-Мотуридийдир. Самарқандда қозилик қилган бу зот 1117 йилда вафот этган ва Чокардиза қабристонида қўйилган. Бизгача Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 2 асари етиб келган, ҳолос. Мутакаллим ўз асарларини ўша даврда мусулмон мамлакатларида илмий-адабий тил ҳисобланган араб тилида ёзган. Улардан бири "Таъвилот аҳл ас-сунна" асаридир. Асарнинг биринчи жилди 1971 йилда Саййид ва Иброҳим Авадайнлар томонидан нашр этилди. Ф. Сизгин ўзининг "Араб кўлёмалар тарихи" асарида "Таъвилот аҳл ас-сунна" асарининг дунё фондидаги нусхалари ҳақида қимматли маълумот беради. Бу эса ўз навбатида асарнинг қайси фондларда қанча нусхалари мавжудлигини аниқлаш имконини беради.

Замонамизга келиб, ал-Мотуридий ижоди ва ҳаёти тўғрисида қизикчан оврўполик олимлар ҳам бор. Улардан бири Манфред Гётцдир. У ўзининг илмий мақоласида алломанинг қарашлари ва унинг фикрларини баён этибгина қолмай, балки унинг ижодини ўрганишда "Таъвилот ал-Куръон" асарининг аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлайди. Аммо муаллиф Тошкент фондида сақланаётган ал-Мотуридийнинг "Таъвилот аҳл ас-сунна" ва унинг шарҳи нусхалари ҳақида маълумот бермайди. 1997 йилда профессор Ульрих Рудольфнинг "Ал-Мотуридий ва Самарқанддаги сунний теология" номли монографияси нашр этилди. Бу монографияда ал-Мотуридийнинг "Таъвилот аҳл ас-сунна" ва "Китоб ат-тавҳид" асарлари ҳақида маълумотлар берилган. Лекин Тошкент фондидаги нусхалар ҳақида гапирилмади.

Бу асарнинг нусхаларидан бири Тошкент фондида 5126 рақами остида сақланади. Бу "Таъвилот аҳл ас-сунна"нинг дунёдаги энг қадимий нусхасидир. Мазкур нусханнинг тавсифи ҳатто шарҳ кўлёмалари каталогига ҳам киритилган. Бунга асосий сабаб кўлёманинг сўнгги варағида кўчирилган йили жуда тушунарсиз ёзилганлиги бўлиши мумкин. Бу кўлёмза 1134-35-йилларда кўчирилиб, Бухоро жомеъ масжидида тахир этилган. Кўлёманинг яна бир диққатга сазовор жойи шуки, у Хожа Муҳаммад Порсонинг (вафоти 1420 йил) кутубхонасидандир. Тошкент фондидаги "Таъвилот аҳл ас-сунна" асарининг яна бир нусхасининг инвентар рақами 5127 дир. Кўлёманинг 171-саҳифасида бу асар Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасида сақланганлиги тўғрисида маълумот берилган. Ал-Мотуридий бу асарни ёзишдан мақсади "Аҳл ас-сунна ва-л-жамоа" таълимотига зид қарашларни рад этишдир. Аллома бу асарни ёзишда Абу Ханифа қарашларига сўянган ҳолда иш кўради.

Мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридийнинг сақланиб қолган яна бир асар "Китоб ат-Тавҳид" деб номланади. Ҳозирда у Англиядаги кўлёмза фондларнинг бирида сақланади. Шу нусха асосида Фатхуллоҳ Хулайф бу асарни 1970 йилда Байрутда нашр этган. Ягона ҳисобланган бу нусха ҳақида кўпгина тадқиқотлар олиб борилган. Ал-Мотуридий ва унинг илмий меросини ўрганишда ҳал этилмаган масалалар ва муаммолар ҳам бор. Бу масалаларнинг бири — олим ҳақида республикамизда етарли даражада илмий тадқиқот ишлари олиб борилмагани. Шу билан бир қаторда унинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинмаган. Яна шуни айтиш керакки, ал-Мотуридийнинг "Таъвилот аҳл ас-сунна" номли асарининг тўла наشري йўқ. Бутун дунё мусулмонлари орасида Мотуридий калом мактаби ҳақида қандай маълумотлар бор, ҳозирги кунда у қандай аҳволда? Шунга ўхшаш турли саволларга ҳозирча жавоб йўқ.

—Маълумки сўхбатингиз учун раҳмат.

**"Маърифат"
муҳбири
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
сўхбатлашди.**

АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙНИНГ 1130 ЙИЛЛИГИГА

ҲИДОЯТ ИМОМИ, КАЛОМ СУЛТОНИ

масалаларда намоён бўлди. Ўзга динларда бўлгани каби исломнинг назарий-ҳуқуқий томонлари кейинги асрларда шакллана бошлади. Чунки бу дин ўрта асрларда ўз атрофига араб бўлмаган — ажам халқларини ҳам бирлаштиришга улгурган эди. Шу туфайли исломнинг динини қабул қилган турли миллат ва ирқ вақилларининг манфаатларини ҳам ҳисобга олиши лозим эди.

VIII аср охиригача Мовароуннаҳрда мутакаллимларнинг турли гуруҳлари ўзаро курашиб, мунозаралар олиб борганлиги яхши маълум. Албатта, бу тортишувларга исломдан аввалги илоҳиёт илмлари сабаб бўлган. Ушбу илоҳиёт соҳасидаги фикрларни тартибга солиш асосида IX асрда Самарқандда калом мактаби вужудга келди. Унга кейинчалик Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий номи берилди. Бу калом таълимоти кенг тарқалиб, суннийликдаги икки йирик мактаб (Ашъарий ва Мотуридий) вужудга келди. Булардан бири Басрада яшаган Ашъарийдир. Унинг тўлиқ номи Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий (вафоти 935 йил) бўлиб, фикҳда ва калом илмларида машхур олимлардан саналган. Абу Мансур ал-Мотуридий Абу Ҳасан ал-Ашъарий билан биргаликда эски динлар қолдиқларини батамом тугатиш ва ислом дини мафкурасини тузатишда жуда катта хизмат қилганлар. Уларнинг таълимотлари Мовароуннаҳр ва Хуросонда кенг тарқалган. Ал-Мотуридийнинг «Китобат-тавҳид» асарига турли фирқа ва гуруҳларга қараб айtilган шундай сўзлар бор: «Улар тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, Оллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқотга, ибрат ва тажриба билан ишлашга буюрганини тушунар эдилар, ибрат ва тафаккур эса илмининг манбаларидан биридир». Мазкур мактаб таълимотининг пайдо бўлишида эса Абу Мансур ал-Мотуридий шахси ва қарашларининг таъсири катта бўлган. Шу сабабдан аввало шу оқим асосчиларидан бири ҳисобланувчи Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаётини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

—Абу Мансур ал-Мотуридий меросининг афзаллик томонлари нимада?

—Ҳаҳон тараққиётига ва маданиятига буюк алломаларни етиштириб берган ватанимиз минг йиллик тарихга эгадир. Аммо бир муддат, яъни, собиқ иттифок даврида бу алломалар халқ эътиборидан четда қолиб келди. Урганиш ҳам атеистик назар

ний мафкура, ҳиссиёт, маросим ва урф-одатларимиз миллий асосга эга бўлиб, миллий маданиятни ташкил этувчи бўлақлардан биридир. Жамият тараққиётида бу омил, албатта, ҳисобга олиниши зарур. Мазкур соҳада йиғилган назарий қарашлар, концепция ва ёндашувлар диний илмларда ҳам жамланган. Шўнинг учун бўлса керак, ўзбек халқи ўзининг миллий маданиятининг ажралмас бўлагига бўлган диний илмларни ўрганишга алоҳида эътибор бермокда.

Лекин ҳанузгача ислом динининг асл моҳиятини тўлалигича етказиб беришда айрим жузъий камчиликлар мавжуддир. Айримлар бундан фойдаланиб, ўз мафкурасини тарғибот қилмокдалар. Бундай тарғиботлар халқимиз, Ватанимиз истиқболига, унинг тараққиётига зиддир. Бу ишда хорижий кўпоровчи ташкилотларнинг ҳам иштироки сезилмокда. Халқимизга бу таълимотларнинг тарихи, турли аспектларини тўғри тушуштириш, улар ҳақида маълумотлар бериш долзарб масала бўлиб қолди. Шу боис ҳукуватимиз томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди ва режалаштирилмокда. Дастлаб Имом ал-Бухорий юбилейининг нишонланиши ҳамда 2000-йилда Ал-Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний юбилейининг кенг нишонланишини айтиб ўтиш лозим.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз ҳозирги кунга қадар кам эътибор берилган ислом фани соҳалари — фикҳ ва каломни ўрганиши мақсад қилиб қўйганмиз. Ал-Мотуридий умри давомида фақиҳлар, муҳаддислар билан мулоқот қилган ва мунозаралар олиб борган. Ал-Мотуридийнинг асарлари гарчи унча кўп бўлмаса-да, ўша замонда муҳим аҳамият касб этган асарлардир.

Маълумки, диний илмлар жамият тараққиётида, инсонларнинг камол топишида ва улар дунёқарашларининг шаклланишида муҳим ўрин тутган. Ал-Мотуридийнинг кўплаб асарлари туркий элатларга исломий одоб қоидалари, шариат қонунлари, маънавий-ахлоқий қадриятларни тарқатишга мўлжалланган.

Демак, ҳозирги кунда миллий истиқлолимиз тараққиёти учун ёшларни аждодларимиз томонидан яратилган бой маданият билан таништириш лозим. Диний илмларни асл манбалар, яъни сарчашмалардан ўрганиб, уни кенг халқ оmmasига етказиш муҳимдир. Буларни ўрганиш эса ўз-ўзидан соғлом авлод йилида ёшларни нафақат жисмонан балки руҳий жи-

ЯХШИЛИК ҲАВАСИ



ҲОМИИ

Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги Бешкуби қишлоғида истиқомат қилаётган Юнус Қўзиев 1997 йилдан бошлаб "Бешкуби" ижара ширкатлари бирлашмасини бошқариб келаяпти.

— Зомин тоғи этакларида жойлашган хўжалигимиз ҳар йили барча соҳалардаги режаларни ортиси билан бажариб келаяпти, — дейди биз билан суҳбатда Юнус Қўзиев. — Қаердаки, гаромдаг яхши бўлса, ўша ерга тараққиёт бўлади, ишга муносабат ўзгаради. Одамларнинг яшаш ва ишлаш шароити яхшиланади. Мазкур жамоада ҳам ғалачилик ва чорвачиликдан келадиган гаромдаглар аҳолини ижтимоий муҳофазалашга сафрланяпти.

Илғор хўжалик бошлиғи, "Шуҳрат" медали соҳиби Юнус Қўзиев яна бир хайрли ишга қўл урди. Туман халқ таълими бўлимига қарашли бешта мактаб хўжалик оталиғига киришилди. Ҳар бир мактабга хўжалик ҳудудидан 10 гектардан ер ажратиш берилган. Таълим масканларининг жамоалари бу экин майдонларидан унумли фойдаланиб, самарали фойда олишяпти.

— Келажакимиз бунёдкорлари бўлган ёш авлоднинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиши учун барчамиз масъулмиз, — дейди ёшларнинг ҳомийси Ю. Қўзиев. — Шунинг эътиборига олиб, оталиғимиздаги мактабларнинг биноларига иситиш тармоғи ўрнатишга ёрдам бердик.

Ёш авлодни билими, кучли, бахтли ва энг муҳими, ватанпарвар инсон сифатида тарбиялаш, замон талаблари асосида иш ўрганишлари учун шароит яратиш беришда хўжалик раҳбарияти беминнат ёрдам келмоқда. Шунинг учун ҳам тадбиркор раис Юнус Қўзиевнинг бу борадаги хизматлари адолатли баҳоланди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан унга "Халқ таълими ҳомийси" унвони берилгани ҳам фикримизнинг исботидир.

"Соғлом авлод йили" га илм масканларимизда янада ижобий натижалар кўзга ташланади. Мактаб ўқувчиларига бепул сут ва сут маҳсулотлари тарқатиш ҳам режалаштирилган. Бундан ташқари, аълочи ўқувчиларга стипендиялар ташкил этиши, муаллимларни мўддий ва маданий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш ҳам кўзда тутилган.

Ҳа, Юнус Қўзиев каби илму фан ҳомийлари бор экан, Ўзбекистонимизнинг келажаги янада буюк бўлишига ишончимиз комил.

А. АЛЛАМУРОВОВ,
Х. МИРЗАКАРИМОВ

Фаол ҳамкасбларинг меҳнатидаги ютуқларини кўрганнингда, уларнинг шарафли ўмр йўлига назар ташланганида уларга ҳавасинг келади, бошқаларга ҳам бу ҳақида тўлиб-тошиб гапириб бериш истаги тугилади сенда. Шунда зимманга ўз-ўзидан бир нафис масъулият келиб қўнади. У ҳам бўлса — борини бордек кўрсатиш, ҳаяжонларга берилмаслик.

Усниа Зидляева 1969 йилда Бухоро хотин-қизлар билим юртини тугатдию ишни Навоий туманидаги С. Раҳимов номли мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беришдан бошлади. Ўқитувчи учун, айниқса, бошланғич таълимга жалб этилган мураббий учун дастлаб ишни бошлашдан қийини йўқ. Негаки, мурғак кўнгилларга тил топишда ҳар қандай ёш мутахассис ҳам илк бора тараддулланиб туриши аниқ. Аммо Усниада бундай тараддулланиш узок давом этмади. У болалар билан тез орада тил топиб кетди.

Ўз билимини оширишга бўлган

тинимсиз изланиш ёш мутахассисни янада улкан ораулар сари етаклади. Шу боисдан ҳам у мактаб ҳаётидан узилмаган ҳолда Навоий Педагогика институтига хужжат топширди...

Умр — оқар дарё. Орадан йиллар ўтди. Усниа бошланғич таълим бўйича илмий бўлим мудираси сифатида ёш мураббийларга йўл-йўриқлар кўрсата бошлади. Шу ўринда илмнинг ўрни билинди. У узининг билим юрти, институт,

Ta'lim fidoyilari

қолаверса, ҳаёт университетидан олган билим ва тажрибаларини ёш мутахассислардан аямади. Мактабдаги тарбиявий ишлар учун ҳам масъулиятни ўз елкасига олди. Бу орада қанчадан-қанча тарбияси "огир" ўқувчилар билан ишлашга тўғри келмади, дейсиз. Ота-оналар билан ижобий ҳамкорлик ўрнатишни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Усниа мулоқотда бўлган бир қанча со-

биқ "зуравон" ўқувчилар бугун уни моҳир тарбиячи ва зукко устоз сифатида меҳр билан тилга олишади.

— Мен бахтли аёлман, — дейди суҳбатларининг бирида Усниа Зидляева. — Чунки сеvimли икки фарзандга онаман, меҳр қўйган касбим ва аҳил жамоам бор.

Дарҳақиқат, шундай. Инсоннинг бахти у қолдираётган ақлли фарзандларию ўзи севган касбида бўлса ажаб эмас. Айни пайтда У. Зидляева 63 нафар педагог жамоа ва 1055 нафар ўқувчи таълим оладиган мактабда илмий бўлим мудираси вазифасида меҳнат қилаётир. Хуллас, тиниб-тинчимас раҳбар, фидоий ўқитувчи илғаб олган ҳолда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари бўйича ҳар бир дарсни ҳозирги замон талаби асосида утилишига интилоқда.

Т. ЎРАЛОВА,
Навоий вилояти

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ
ЎРГАНИЛМОҚДА

Яқинда Самарқанд енгил саноат касб-хунар коллежида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз" номли асарини ўрганишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда маънавият-маърифат кенгаши вилоят бўлими, вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси, Самарқанд давлат университети, тижорат институти ҳамда Республика урта махсус, касб-хунар таълими Марказидан вакиллар иштирок этишди. Йиғилишда маънавият, ҳуқуқчилик соҳасидаги янгиликлар, иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ҳамда жамиятнинг янгилаш ва ислох этишининг ҳозирги босқичда сиёсий соҳа вазифалари ҳам муҳокама этилди. Президентнинг мазкур асари урта махсус, касб-хунар таълими муассалари ўқув дастурига дарслик сифатида киритилиши анжуман қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Г. БЕРДИЁРОВА

ИНСОН ҚИММАТИ
ИЛМУ ҲУНАРДА

Неъматжон Низомовни илм фидоийси, ёшларнинг сеvimли мураббийси, устози, ажойиб инсон десак, Самарқандда бу гапни эшитганлар домланинг маънавий, илмий салоҳиятига булар камлик қилади, деб айтиб қолишади. Демак, Неъматжон акани Самарқандда кўпчилик билади, ҳурмат қилишади. Ва улар домла ҳақида гапирганда шунчаки гапиришмайди, ҳавас билан, иштиёқ билан гапиришади.

Ва биз илм фидоийси, устоз деган гапларни ҳам шунчаки айтаётганимиз йўқ. Шундай ҳақиқат бор: илм ёққан ёмғирга ўхшайди. Ёмғир баъзи жойларга сингиб кетади, гиёҳларни ундиралади, ҳаёт нағдасини беради. Баъзи жойларда сингмай, кулмак бўлиб қолади. Баъзи жойларда эса ерга ҳам сингмайди, кулмак ҳам булмайди. Шунчаки ювиб утади. Илм ҳам унча-мунча одамга сингмайди. Матонатли, жасоратли одамга сингди. Ҳаётни теран ҳис этиш, англаш, ҳар бир нарсага моҳиятини тушуниб этиш илм билан. Комиллик, орифлик, ҳақиқатқўйлик ҳам илм билан. Инсонга хос булган барча эзгу амаллар ҳам илм билан. Яна нималар илм билан деб сурарсиз, балки. Жуда кўп нарсалар. Уларнинг баъзиларини биз биламиз, баъзиларини эса биз билмаймиз... Аммо ҳозир сеvimли устоз Неъматжон ака ҳақида гапирмоқчимиз.

Республикамизда физика фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган, айниқса люминесценция ва фотохимия соҳасида узининг илмий ишлари, изланишлари билан дунёнинг бир неча мамлакатлари олимларини ҳайратга солган Неъматжон ака ҳозирги кунда Самарқанд Давлат университетининг физика факультетида ёшларга сабоқ бериш билан бирга "Умумий физика" кафедрасини бошқариб келмоқда.

Неъматжон ака 1966 йили Москва Давлат университетини муваффақиятли тамомлаб, икки йил ичида узининг номзодлик диссертациясини ёқлади. Ёш истеъодли олим узининг кейинги илмий изланишларини университетнинг профессор А.К. Отаҳужаев раҳбарлик қилаётган оптика кафедрасида давом эттирди. Қисқа вақт ичида кафедра қошида алоҳида люминесценция лабораторияси ташкил этилиб, унда университет талабалари ва бошқа олий ўқув юр்தларининг ходимлари узларининг илмий тадқиқот ишларини олиб боришади.

Неъматжон ака раҳбарлик қилган лаборатория қисқа вақт ичида энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, ҳақиқий илмий лабораторияга айлантирилди. 1973 йилдан бошлаб Неъматжон Низомовга аспирантларга илмий раҳбарлик қилиш ҳуқуқи берилган эди. Шу вақт мобайнида домла 11 та илмий ишга бевосита раҳбарлик қилди. Унинг шоғирдлари ҳозирги кунда республикамизнинг турли вилоятларида, турли соҳаларда ишлаб келмоқда. 1985 йили Киев Давлат университетининг махсус ёпиқ илмий кенгашида Неъматжон Низомов докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бир йилдан сунг танлов асосида СамДУнинг "Умумий физика" кафедрасига мудирликка сайланди. Мустақиллик йилларида домланинг гайрати олдингидан ун чандон ошиб тушди. Ҳуррият, озодлик эпкини илм нафаси билан уйғунлашса, шундай булади, шекилли. Бугина эмас, Неъматжон ака Ватан, Истиклол, халқ залворини чуқурроқ тушунади, англайди. Айнан шу муқаддас тушунчалар учун нималарга қодирлигини, нималар қилиш кераклигини билади. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ни ҳаётга таъбиқ этишда ҳозирда жонбозлик курсатаётир. Ҳар йили унлаб шоғирдлар тайёрлаб, эл хизматида сафарбар этмоқда. Уларнинг айримлари республикадаги йирик корхоналарда ишлаяпти, республика миқёсидаги қўллаб-қувватлашнинг ағаллаяпти... Хорижда уқияпти... Эҳ-ҳе, айтаверсак, тугамайди. Ёш авлодга таълим бериш, етук, билимли кадрлар тайёрлашда уз меҳнатини аямай, шоғирдларига бош бўлиб келаятган профессор Неъматжон Низомов бугун олтимиш ёшда. Инсон бир нарсага интилса, кунт қилса ҳамда уз олдига қўйган мақсадида эришиши истагани қалбда тўйса, у, албатта, шунга етаркан. Домланинг ҳали уйлаган уйлари, режалари кўп. Ҳаммаси юрт, соғлом авлод ҳақида. Эзгу ният йулда қолмайди, дейишади. Шундай экан, Неъматжон акага яна бир гапни айтиб қўймоқчимиз: "Устоз, улуг ишларда зинҳор чарчаманг!"

Б. АБДУСАТТОРОВ,
"Маърифат" муҳбири

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ — БОЙЛИГИМИЗДИР

Ҳиндистон — нуфузи жиҳатдан дунёда олдинги ўринларда турадиган, бой маданий ўтмишга эга мамлакат. Бу бепойн ўлка 1950 йил расмий равишда мустақил деб эълон қилинди. Унинг мустақилликка эришганига 50 йил тўлади. Шу муносабат билан Тошкентдаги Ҳиндистон маданий марказида илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг ўқитувчиси, профессор Анвар Қосимов "Ўзбекистонда Ҳинди-

стон тарихига бағишланган адабиётни ўрганиш" мавзусида маъруза қилиб, жумладан шундай деди:

— Ҳиндистон тарихини ўрганиш, халқини англаш жуда қадимга бориб тақалади. Абу Райҳон Беруний Ҳиндистон ҳақида ўзининг "Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида туркий халқлар учун қимматли маълумотлар бериб ўтган. Шунинг учун ҳам биз ҳинд халқини бошқа халқлардан яхшироқ биламиз. Шунин-

гдек, йиғилишда Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси, профессор Саъдулла Йўлдошев "Ўзбекистонда Ҳиндистоннинг ижтимоий-фалсафий фикрларини ўрганиш", "Тасвир" журналининг бош муҳаррири Саодат Хўжаева "Ўзбекистонда Ҳиндистон санъати ва киносини ўрганиш" мавзуларида маъруза қилдилар.

Шерзод МУҲАММАДИЕВ,
ЎЗМУ 1 - курс толиби

ODOB DARSI

Ota-onani hurmatlash haqida (unsurulmaoliy Kaykovusning "Qobusnoma"sidan)

Ey farzand... aql yuzasidan bilgilki, ota-onaning izzat va hurmatini bo'yinga olish lozimdir, chunki farzandning asli ota-onadir. Nima uchun ota-onamni hurmat qilaman, deb ko'nglingga keltirma. Bilgilkim, ular sening uchun o'linga ham tayyor turadilar...

Agar har farzand aqlli va dono bo'lsa, Ota-onaning mehru muhabbatini ado qilishdan bosh tortmaydi... Ota-onaning ishi seni parvarish qilish va senga yaxshilik o'rgatishdir.

Ey farzand, ota-onaning ko'nglini sahal ham ranjitmayu ularning qalbini azoblama.

Sen ota-onaning haqiga din nuqtai nazaridan rioya qilmasang ham, aql va muruvvat nuqtai nazaridan rioya qil, ko'rgil ota-ona ham seni jon-dil bilan parvarish qilmishlar, agar sen ularga nisbatan xato ish qilsang, sen hech yaxshilikka sazovor emassan, chunki har kishi ota-onaning yaxshiligini bilmasa, birovning yaxshiligiga baho berolmaydi va o'z farzandning senga hurmat qilishini istasang, sen ham ota-onangni hurmat qil, chunki sen ota-onang haqida nima ish qilsang, farzanding ham senga shunday ish qiladi.

Odam mevaga, ota-ona daraxtga o'xshaydi. Daraxtni yaxshi tarbiya qilsang, mevasi yaxshi va shirin bo'ladi, shuningdek, ota-onaga izzat va hurmatni ko'proq qilsang, sening haqingdagi ularning duosi tezroq mustajob bo'ladi...

... Molsizlikdan qashshoq bo'lsang ham aqldan boy bo'lishga harakat qil, chunki mol bilan aql to'plab bo'lmaydi. Johil tezda kambag'allashadi, ammo bilgilkim, aql bir qimmatbaho narsaki, uni o'g'ri olib keta olmas, o'tda yonmas, suvda oqmas.

Agar aqling bo'lsa, hunar o'rgan, chunki hunarsiz aql libossiz tan yoki afti yo'q odamdir, debdurlarki, bilim - aql siyimosidir.



ENG, ENG ENG...

- * Dunyodagi eng katta dengiz sifatida Janubiy Xitoy dengizi tan olinadi. Uning maydoni - 2974600 kvadrat kilometr.
- * Eng katta kitob do'koni Londondagi "V.J.Fouli limited" kompaniyasiga qarashli bo'lib, 1904 yilda tashkil etilgandir. Bir necha million nomdagi kitoblarni taklif etuvchi mazkur do'kon savdo rastalarining umumiy uzunligi 48 kilometrga tengdir.
- * Eng katta stadion Praga shahridagi Stragov stadionidir. U 1934 yilda ommaviy namoyish hamda tadbirlar uchun qurib bitkazilgan bo'lib, jami 240 mingta tomoshabinni sig'dira oladi.



QIZIQARLI MASALALAR

1. Bir to'da g'oz uchib borar ekan. Bir g'oz kelib: "Ey g'oz, salomat bormisiz", debdi. Shunda ulardan biri aytibdi: "Biz yuz g'oz emasmiz, yana biz miqdori g'oz bo'lsa va yana bizning yarmimiz miqdori va yarmimizning yarmi bo'lsa, u vaqtda sen ham qo'shilsang yuz g'oz bo'lamiz", debdi.
Havodagi g'ozlar qancha ekan?
2. Beshta cho'pning nechta uchi bor, besh yarimtasining-chi?
3. Bir oilada cholu kampir yashaydi. Ularning 3 ta o'g'li bor. Har bir o'g'lining bittadan singlisi bor. Shu oilada nechta jon bor?
4. Kunlardan bir kun chol o'g'liga o'ttiz tiyin berib shunday debdi:
— O'g'lim, shu pulga narsa olib kelginki, bizning tovug'imiz ham, qo'zimiz ham to'yadigan bo'lsin. Aytinglar-chi, bola nima olib kelishi kerak?

TOPISHMOQLAR

1. Qoziqda qor turmas.
(tuxum)
2. Ko'kda supra ochildi,
Ichidan un sochildi.
(qor)
3. Hassali qalpog'im bor,
Yomg'ir yoqqanda darkor.
(zont)
4. Qizil-qizil yer ostida,
Sochlari yer ustida.
(sabzi)
5. Qoravoy buvam eshik qo'rir.
(qulf)
6. Qator-qator karvon,
Ertayu kech tashir don.
(chumoli)
7. Tepdim, tepdim,
Terakka chiqdim.
(narvon)

ZARKOKIL MALIKA

(Ertak)

Bor ekan, yo'q ekan, qaysidir bir mamlakatda zolim va ezma qirol yashagan ekan. Bir kuni qirol saroyiga bir ayol savatda baliq olib kelibdi va bu baliqni yegan odam barcha hayvonlarning tiliga tushunadigan bo'lib qolishini aytibdi. Qirol baliqni sotib olibdi. Shundan so'ng yosh xizmatkor Irjiki chaqiribdi va unga pishirishni buyuribdi.

— Qo'lingni tekkiza ko'rma baliqqa! — debdi qirol Irjikka — agar ozginasini yesang ham kallangni olaman.

Irjik baliqni pishirayotib, pishgan pishmaganini hech bilolmabdi. U baliqni totib ko'ribdi. Shu zahoti qulog'iga ingichka ovoz eshitala boshlabdi:

— Bizga ham ozroq! Qovurilgan baliqdan!
Irjik qarasa, baliq ustidagi pashshalar gapirayotgan ekan. "E, ha, bu baliqning sirini endi bildim" — deb o'ylabdi Irjik. Shunday qilib, u hayvonlar tiliga tushunadigan bo'lib qolibdi. Baliqning qolganini esa qirol yebdi. Tushdan keyin qirol ikkita otni egarlatibdi-da, sayrga yo'l olibdi. Irjik mingan ot kuchini sig'dirolmay nuqul ko'kka sapchirkan. Ot kishnagan ekan, Irjik uning ma'nosini darhol tushunibdi: "Hoy, birodar, ke, yelaylik-da, bir hamlada anavi tog'ni oshib o'taylik".

— Koshkiydi-ya, — deb javob qaytaribdi bunga qirolning oti, — afsus, ustimda qari tentak o'tiribdi. Yiqilib, mayib bo'lishi mumkin. Yaxshi bo'lmaydi-da,

ming qilsa ham u qirol.

— Mayib bo'lsa bo'lavermaydimi, — debdi Irjikning oti. — Unda o'sha cholni emas, yosh qirolni mindirib yurasan.

Irjik kulib qo'yibdi. Hukmdor buni ko'rib qolibdi. Saroyga kelib, Irjikka qadah to'ldirib berishini so'rabdi. Shu payt ikkita chumchuq uchib kelib, urisha ketishibdi. Ularning bittasining og'zida 3 tola oltin soch bo'lib, bu go'zal malikaning sochlari ekan. Shu vaqt Irjik alahsib musallasni to'kib yuboribdi.

— Ajab bo'ldi! — xitob qilibdi qirol.
Endi joningdan umidingni uz. Mana shu sochning sohibasini menga xotinlikka olib kelasan.

Irjik nima ham qilardi. Noiloj yo'lga tushibdi. Yo'l yuribdi, yo'l yursa ham mo'l yuribdi. Bir vaqt Irjik changalzorning chekkasidagi quruq butalar yonayotganini ko'rib qolibdi. Butalarning ostida esa chumoli ini bor ekan. Irjik otdan sakrab tushibdi-da, olovni o'chiribdi.

— Rahmat Irjik, rahmat. Yaxshiligingni unutmaymiz — debdi chumolilar.

Irjik qop-qorong'i changalzorga kirib, qandaydir jonivorlarning chirq-chirq yozg'irayotganini eshitib qolibdi. Bular qarg'a polaponlari ekan.

— Yordam ber, Irjik! Ochdan o'lyapmiz! Ota-onamiz uchib ketishdi.

Irjik ularga yegulik beribdi.

— Rahmat, Irjik, rahmat! — chirqillab debdi polaponlar. — Bu yaxshiligingni javobsiz qoldirmaymiz. Irjik yo'l yurib, sohilga chiqib qolibdi. Sohilda qum ustida ikkita baliqchi bahslashib o'tirishgan ekan. Baliqchilardan birining to'riga oltin baliq ilingan bo'lib, ular baliqni talashib turishgan ekan.

Irjik baliqni sotib olib, dengizga uloqtiribdi.
— Yaxshilikka-yaxshilik qaytadi. Zarur bo'lib

qolganimda chorlasang, darhol yetib kelaman.

Uyo'lda baliqchilarni uchratib, tilla sochli malikani so'rabdi.

Baliqchilar Irjikni orolga o'tkazib qo'yishibdi: Irjik saroyga boribdi-da, qirol huzuriga kirib, ta'zim bajo keltirgach, maqsadini aytibdi.

— Juda soz! — debdi qirol. — Men ziqna odam emasman. Qizimni qirolingga berishim mumkin. Lekin bir shartim bor, uch kun mobaynida mening topshiriqlarimni bajarasan. Birinchi topshiriq bunday. Tilla sochli qizim bo'ynida marvarid shodasi taqib yuradi. Shoda ipi uzilib, marvarid donalarining bari qalin ko'kat orasiga to'kildi. O'sha donalarni bekamu ko'st terib ber.

O'tloq shunchalik qalin ekanki, uning tagi ko'rinmas ekan. Lekin Irjikka chumolilar yordam beribdi. U shodalarni podshoga topshiribdi. Ikkinchi shart quyidagicha bo'libdi: Oltin sochli qiz dengizda cho'milayotib, tilla uzugini tushurib qo'rgan ekan. Ushbu uzukni oltin baliqcha topib beribdi. Uchinchi shartni ham bajargan Irjik malikani qirol huzuriga olib kelibdi. Qirol esa Irjikning kallasini olishni buyuribdi. Zarkokil malika Irjikning boshini tanasiga qo'yib, obihayotdan sepgan ekan, u qayta tirilibdi.

Uning tirilganini ko'rgan qirol, darhol jallodni chaqirib, buyuribdi:

— Kallamni tanamdan judo et! Keyin zarkokil menga sirli suvdan purkasin. Bundan ko'ra xushbichimroq bo'lib qayta tirilaman.

Jalod ahmoq qirolning boshini tanasidan judo qilibdi. Ammo hukmdorga qayta tirilish nasib etmabdi. Jonli suvning barini quyishsa ham foydasi bo'lmabdi, chunki qirol juda zolim ekan.

Irjik va Zarkokil malika baxtli turmush kechirishibdi. Qissadan hissa shukim, har kim ekkani o'radi.

У тўлатилган ликопчани Стивенга узатди ва Чарлз тоға билан мистер Кейсининг ликопчаларига курка гўшtidан икки катта бўлакни қўйиб, устига қайладан яхшилаб куйди. Миссис Дедалус овқатдан камгина еди, Дэнти эса қўлларини тиззасига қўйиб ўтирарди. Унинг юзи қизариб кетган эди. Мистер Дедалус санчки билан курканинг қолган-қутганини кавлаштираркан, деди:

— Бу ерда яна битта мазали луқма қолди, буни архиерей¹ луқмаси дейишади. Хўш, хонимлар, жентелменлар, қани кимга?..

У курка гўштини санчкига санчиб кўтарди. Ҳеч ким оғиз очмади. У луқмани ўзининг ликопчага қўйиб, деди: — Менинг ишим таклиф қилиш. Бироқ энди бу ўзимга қолди, шекилли, ўзим ейман. Кейинги пайтларда негадир кучдан кетгандайман.

У Стивенга кўзини қисди ва бир қўли билан ликопчасини пана қилиб, ейишга тутинди. У еб бўлгунча ҳеч ким чурқ этмади.

— Ҳавоям зап ҳаво бўлди-да! — деди у. — Шаҳарда мусофирларнинг кўплигини айтмайсизми.

Ҳеч ким гап қўшмади. У яна гапира бошлади:

— Менимча, ўтган йилги мавлуд байрамига қараганда бу йил зиёратчилар кўп келди.

У ўтирганларнинг дастурхонга эгилган бир қадар мулзам юзларига кўз югуртиб чиқди ва ҳеч қандай жавоб эшитмагач, бир дақиқа сукут сақлаб турдида, сўнг алам билан деди: — Хулласи калом, менинг мавлуд зиёфатимни бузишдида!

— Черков аъёнларига ҳурмат бўлмаган уйда, — деб узиб олди Дэнти, — бахт-саодатга, хушвақтлиққа ўрин йўқ.

Мистер Дедалус кўлидаги санчки билан пичокни ликопчага шарақлатиб ташлаб юборди.

— Хурмат! — деди у. — Биллига² ҳурматми, шармандаларча сафсата сотгани учун-а ёки ўша армлиқ³ мешқорин очофатгами! Хурмат-а?!

— Черков амалдорлари! — аччиқ киноя қилди мистер Кейси.

— Лорд Лейтримнинг⁴ отбоқари, — қўшимча қилди мистер Дедалус.

— Улар худонинг ёрлақанган бандалари, — деди Дэнти. — Мамлакатнинг фахри!

— Очофат мешқорин, — деди яна мистер Дедалус. — У ухлаган пайтдагина беэён. Унинг қировли қиш кунда чўчка гўштига карамни қўшиб уриб ётганини бир кўрсангиз эди! Полвон!

У тўмтоқ башарасини бужмайтирди ва лабларини чапиллатиб қўйди. — Қўйинг, Саймон, ёш боланинг олдида ярашмайди бундай гаплар. Яхшимас.

— Ҳа-да, катта бўлганда ҳаммасини эслайди, — гапни илиб кетди Дэнти қизишиб, — булар бари худода, динга ва руҳонийларга қарши гаплар-ку, уларни ўзи тугилиб ўсган уйда эшитиб ўтирса-я.

— Эсласин-да, — столнинг нариги тарафидан туриб қичқирди мистер Кейси, — руҳонийларнинг, уларнинг малайларининг амру маърифлариниям эсласин. Ахир, Парнеллнинг юрагини адоий тамом қилган, уни гўрга жойлаган шулар-ку! Катта бўлганида буни ҳам эсласин, ахир.

— Итдан тарқаганлар! — хитоб қилди мистер Дедалус. — Аҳволи оғирлашганда, пайт пойлаб Парнеллни сотишди-я! Худди палид каламушлардай унга ташланишди, ғажишди! Ёвуз кўппаклар! Кўппакдан фарқи йўқ уларнинг. Худо ҳаққи!

— Жуда тўғри қилишган-да, — қичқирди Дэнти. — Улар ўзларининг епископларига ва полларига итоат-

кордир. Уларга шон-шарафлар бўлсин! — Бундан ортиқ даҳшат бормикан! — хитоб қилди миссис Дедалус. — Бирор-бир кун йўқки, кўнглингни қоп-қора қиладиган шундай даҳшатли можароларсиз ўтса.

Чарлз тоға тинчланинглари деган маънода қўлини кўтарди:

— Жим, жим, жим! Наҳотки одам ўзининг фикрини ғазабга минмай, сўкинмай гапириши қийин бўлса. Бу яхшимас, ахир!

Миссис Дедалус Дэнтининг қулоғига шивирлаб, уни тинчлантирмоқчи бўлди, бироқ Дэнти ўшиқриб берди:

— Йўқ, мен жим туролмайман! Черковимни, эътиқодимни ҳимоя қиламан, бу диндан қайтганларга уни таҳқирлатиб, тупуртириб қўймайман.

Мистер Кейси олдидаги ликопчани стол ўртасига илкис сурди, кейин тирсагини столга тирадида, ҳирқираган товушда уй эгасига қараб мурожаат қилди:

— Мен сизга ўша машҳур тупуриш тарихини гапириб берганмидим?

— Йўқ, Жон, айтганингиз йўқ, — деди мистер Дедалус.

— Наҳотки, — деди мистер Кейси, — аммо жуда ибрат олса арзийдиган воқеа-да. Бу воқеа олдинроқ Уиклоу графлигида, ҳозир сиз билан бирга ўтирган жойимизда юз берган.

У тўхтаб, Дэнтига ўгирилиб, қаҳр билан салмоқлаб гапира бошлади:

Жеймс Жойс

МУСАВВИРНИНГ ЁШЛИКДАГИ ШАМОЙИЛИ

Роман

— Ижозатингиз билан айтиб қўяй, хоним, агар сиз мени назарда тутиб гапираётган бўлсангиз адашасиз, мен диндан қайтганлардан эмасман. Католикман мен, худди отамдай, унинг отаси ҳам католик бўлган, унинг отасининг отаси ҳам жуда қадим замонлардаёқ католик бўлган ва ўша пайтларда биз ўз эътиқодимиздан қайтгандан кўра ҳаётнинг баҳридан ўтиб қўя қолишга тайёр эдик.

— Демак, сиздай одам учун, — деди Дэнти, — ҳозир оғзингиздан чиққан гапларни айтиш баттар уят.

— Айтинг, Жон, — деди мистер Дедалус, кулимсираб. — Кулоғимиз сизда.

— Католик эмиш! — деди яна киноя билан Дэнти. — Учига чиққан протестант ҳам бугун мен эшитган гапларга ўлсаям чидаб ўтирмасди.

Мистер Дедалус бошини ҳар ёққа саланглатиб, муқом қила бошлади.

— Мен протестант эмасман, бунга сизга такрор айтаяпман, — деди мистер Кейси жони чиқиб.

Мистер Дедалус ўзича гингшиб ва бошини саланглатиб турдида, туйқусдан хирқироқ товушда пингиллаб хиргойи қилди:

Келинглари, ҳой, католиклар, сиз, Ибодатдан юзни бурмангиз!

У қўлига пичок билан санчкини олиб, яна овқат ейишга тутинди ва мистер Кейсига қувноқ овозда деди:

— Айтинг ўшани, Жон, кулоғимиз сизда, бу овқат ҳазм бўлишига ёрдам берди.

Стивен меҳр билан мистер Кейсининг юзига қаради, мистер Кейси бошини қўлларига тираганча бир нуқтага термилиб турарди. Стивен каминнинг олдида у билан ёнма-ён ўтириб, унинг қаҳрли, қорамгағиз чехрасига тикилишни яхши кўрарди. Бироқ унинг қора кўзлари ҳеч қачон ғазаб билан чақна-мас, вазмин, салобатли товушини эши-

тиш мароқли эди. Нега у руҳонийларга қарши? Бундан чикдики, Дэнти ҳақ экан-да. У отаси гапирганда эшитган, Дэнти ёшлигида тарки дунё қилган — роҳиба бўлган, кейинча акаси билакузук ва бошқа майда-чуйда тақинчоқларни қора халққа пуллаб бойигач, монастирни тарк этган, Аллеганга кетган. Эҳтимол шунинг учун у Парнеллга қарши бўлса керак? Ҳа, айтганча, у Эйлин билан бирга ўйнаса Дэнти ёқтирмайди, чунки Эйлин протестант-да, Дэнти ёш бўлган пайтда протестантлар билан бирга ўйнаб юрадиган болаларни танниган, протестантлар муқаддас Биби Марямнинг қўйма ҳайкалчасини таҳқирлашган. “Фил суякли минора — Тилла кўшк!”⁵, дейишарди улар. Қандай қилиб аёл киши фил суякли минора ёки тилла кўшк бўлиши мумкин? Унда ким ҳақ бўлиб чиқади? Унинг хотирасига Клонгоусдаги касалхона оқшоми қоп-қора тўлқинлар, кўрфаздаги маёқ ёғдуси ва қайғули хабарни эшитган оломоннинг дод-фарёди келди.

Эйлиннинг қўллари узун оппоқ эди. Бир куни кечкурун, улар кўз бойлаш ўйнаётганди, Эйлин унинг кўзларини қўллари билан бекитди: узун, оппоқ, ингичка, совуқ ва нозик. Бу ўша фил суяги. Совуқ ва оппоқ, мана, фил суякли минора нима дегани.

— Бу воқеа тафсилоти қисқа ва жуда қизиқ, — деди мистер Кейси. — Бу Арклоуда бўлган эди, ҳаво совуқ, булутли

таъбингизни ҳам бузмай, ўзимнинг лафзимиям булғамай.

У жимиб қолди. Мистер Дедалус бошини кўтариб сўради:

— Хўш, кейин сиз нима қилдингиз, Жон?

— Нима қилардим? — деди мистер Кейси. — Қарасам, у ўзининг буришган жирканч башарасини нақ иягимга тираб келаяпти, менинг оғзимда лиқ тўла тамаки “шарбати”. Шунда мен унга яқинроқ энгашдим-да мана шундай: “Тфу!” дедим.

У юзини четга буриб қандай қилганини кўрсатди.

— Тфу! Унинг шундоқ кўзига тупуриб юбордим.

У қўли билан кўзларини бекитди ва жони қаттиқ оғриётган одамдай чинқириб юборди:

— “Вой, Иисус Христ, Биби Марям, Иосиф! — деб аюҳаннос соларди у. — Вой-дод, кўр бўлиб қолдим, дод, ўламан!”

У хириллаб, кулгидан ва йўталдан ўзини тўхтатолмай, бўғилиб такрорлади:

— Кўр бўлиб қолди, буткул кўр бўлиб қолди!

Мистер Дедалус қаҳ-қаҳ отиб кулганча ўзини стулнинг суянчигига ташлади, Чарлз тоға бошини чайқаб қўярди. Дэнтининг юзи қаҳрли тус олди, ўтирганлар хохолоб кулишаркан, у бир гапни тинмай такрорларди:

— Яхши, жуда яхши, жуда соз бўлибди!


Аёл кишининг кўзига тупуриш яхшимас.

Ўша кампир Китти О-Шини қандай сўз билан ҳақорат қилдйкан, уни мистер Кейси ҳатто тилга олишга ҳам ҳазар қилди-я? Стивен оломон орасидаги мистер Кейсини кўз олдида келтирди: ана у, араванинг устида, тик туриб нутқ ирод қилаётир. Шунинг учун ҳам у қамоқда ўтирган. У беихтиёр эслади: бир куни уйларига сержант О-Нил келди, сержант дахлизда туриб отаси билан шивирлашиб гаплашди, ора-сира бошидаги темир қалпоғининг чарм бандини асабий тишлаб қўярди. Ўша оқшом мистер Кейси Дублинга одатдагидай поездда жўнамади, уйлари олдида арава келди ва отасининг Кэбинтили орқали ўтадиган йўл ҳақида нимадир деганини эшитди у.

(Давоми бор)

Изоҳлар:
1. Архиерей - юқори лавозимли руҳонийларнинг умумий номи.
2. Дублин архиепископи (1841-1921), Парнеллга қарши кампанияда иштирок этган.
3. Майкл Лог (1840-1924) — Арм архиепископи, Парнеллнинг рақиби.
4. Ирланд черкови — инглиз ҳокимиятининг хизматкори эканига ишора. Ирландиядаги инглиз ер эгаси, лорд Лейтрим шафқатсизлиги билан ном чиқарган. Ирланд кўзголончилари томонидан ўлдирилган. Унинг отбоқари ўлдиришга ҳалақит берган.
5. Биби Марямга мурожаат этиб айтиладиган католиклар дуосидан.
6. Париж биржаси — 1888 йили Парнелл бошқарган феодаанлар ташкилоти. Парнеллни пулни ноўрин сарфлаганликда ноҳақдан айблашган ва бу ҳаракат йўлбошчисининг обрўсига салбий таъсир этган. Мистер Фокс — Китти О-Ши билан хат ёзишганда Парнелл қўллаган исмлардан бири.

(Давоми. Боши газетамизнинг ўтган сонларида)



Финландиядаги президентлик сайловларининг иккинчи турида 57 ёшли Таря Халонен голибликни кўлга киритди. У республика тарихидаги биринчи аёл давлат бошлиғидир.

АҚШ президенти Билл Клинтон конгрессга 2001 йил федерал бюджетининг лойиҳасини тақдим этди. Бюджет 1,84 триллион доллар миқдорига белгиланган. Бу жорий йилдагидан 2,5 фоиз кўпдир. Президент мудофаа харажатларини ҳозирги 289 миллиард долларга қўшимча яна 2-3 миллиард доллар оширишни таклиф этади.

Ўтган йили Куба иқтисоди 6 фоизга ўсган. Бу ҳақда мамлакатнинг молия ва баҳолар бўйича министри Мануэл Миларес баёнот берган.

Жазоирда антитеррористик ҳаракатлар пайтида мамлакат хавфсизлик кучлари тарафидан 23 диний экстремист ўлдирилган.

ЕР ЮЗИДА

Туркменистон республикасида ўлим жазоси бекор қилинди. Эндиликда бу мамлакатда энг оғир жиноятлар учун 20 йиллик қамоқ жазоси белгиланди.

Америкалик машҳур кинорежиссёр Стивен Спилберг операция қилинди. Операция натижасида унинг буйраги олиб ташланди.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган Курд ишчи партиясининг раҳбари Абдулла Ўжалон ўз тарафдорларини қуролларини ташлаб, қурдлар муаммосини тинчлик йўли билан ҳал этиш режасини тайёрлашга чақирди.

Нихоят, япон полицияси сирли жиноятчини қамоққа олди. Бу кимса ўтган йилнинг кўкламидан буён йирик шаҳар Осака қасабаларида салкам 260 жойда ёнган чиқарган.

АЖДОДЛАРИМИЗ МАРСДАН ТУШГАНМИ?

Американинг Питсбург шаҳри инженерлари "Номад" деб номланган тўрт гилдиракли антиқа темир одам(робот) яратдилар. Бу механизмнинг вазифаси – Антарктидадаги метеоритларни қидириб топишдан иборат. Маълумки, бу улкан музликда учрайдиган ҳар бир тош коинот "келгиндиси"дир. Қитъага тошлар фақатгина осмондан тушиши мумкин – ахир, тош музликни ёриб чиқолмайди-ку?..

"Номад" метеоритларни қидириб топиш ишини инсон иштирокисиз, ўзи бажаради. Хабар беришларича, робот куни кеча ўзининг биринчи метеоритини излаб топибди.

Шуни айтиш жоизки, ҳозирги пайтда Антарктидада "осмон тошлари"ни

қўлга киритиш учун ҳақиқий ов бормоқда. Яқинда у ерда ердан ташқаридаги ҳаёт излари мавжуд метеоритларни қидириб топиш учун ташкил қилинган илмий экспедиция ўз ишини якунлади. Олимларнинг сўзларига қараганда, натижасига "кутилганидан ҳам ортиқ" бўлган. Тадқиқотчилар ҳаммаси бўлиб 19 метеорит топишибди. Уларда марслик микробларнинг излари бор, деб фараз этилмоқда.

Агар текширишлар натижасида метеоритларда ҳаёт асари борлиги аниқланса, бу — Қуёш системасининг бошқа сайёраларида ҳам бирвақтлар ҳаёт бўлганлигининг (эҳтимол, ҳозир ҳам ҳаёт борлигининг) яна бир исботи бўларди. Бу — яна, ердаги ҳаёт айнан шу метеоритлар шарофати билан

бошланган деган фаразни ҳам тасдиқлармиди?..

Икки ҳафта муқаддам Жоржия штатининг Атланта шаҳрида Америка астрономлар жамиятининг анжумани бўлиб ўтди. Унда қатнашган Америка ва Европанинг астроном ва биолог олимлари Ердаги ҳаёт Марсдан метеоритларда учиб тушган микроблардан пайдо бўлган деган "назарий имконият" мавжудлигини эълон қилдилар. Олимларнинг сўзларига қараганда, улар Марсдан бизнинг сайёрамизгача бўлган олис, машаққатли йўлни босиб ўтишга қодир камида икки хил микробни аниқлаганлар.

Форумда қатнашган Тусоне(Аризона штати) расадхонасининг астрономи Жэй Меллош маълумотларига кўра, ҳисоб-китоблар кўрса-

тадики, "қизил сайёра"нинг турли-туман астероид ва кометалар билан тўқнашиши натижасида микроблар яшаши учун шароит мавжуд бўлган энг камида 5 миллиард улкан тошлар ажралиб чиққан. Бу тошларнинг салкам 1 фоизи Ер юзига тушган. Лекин шунинг ўзи ҳам сайёрамизда ҳаётнинг пайдо бўлиши учун кифоя қилиши мумкин. Шундай тошлардан бири ҳисобланмиш "Эллен хиллз 84001-" (унинг "ёши" 4,5 миллиард йилга тенг) Антарктидада 1984 йили топилган. Лекин фақат 12 йил ўтибгина НАСА бу метеоритдан қачонлардир "қизил сайёра"да яшаган микроорганизмлар изи топилганини маълум қилди.

ФАНТАСТИКА – ФАНТАСТИКА, ХОЛОС!

Маълумки, фантаст ёзувчилар ўз асарларида келажак ҳаётни тасвирлаб, келажакда яшайдиган одамлар турмуши қандай кечажагини, соғир бўлажак воқеаларни башорат қиладилар. Ана шундай башоратчи адиблардан бири машҳур рус фантаст ёзувчиси Александр Казанцевдир. "АуФ" ҳафталиги ўқувчиси унга қуйидаги савол билан мурожаат қилибди: "Сиз келажакка мўралашга оғатлангансиз, 2000 йил аввалини шу аҳволда кўраман, деб ўйлаганингиз?"

Фантаст ёзувчи Александр КАЗАНЦЕВ жавоб беради:

— Қирқ йил аввал ҳам, эллик йил аввал ҳам бизнинг кўп фантаст ёзувчиларимиз келажакка — 2000 йилга "мўралагани"лар. Мен ҳам бундан мустасно эмасман. Бу мавзуда ҳар кимнинг хаёли ҳар-хил эди-ю, бироқ бир муштараклик яққол сезилиб турарди: бизларнинг барчамиз мамлакатимизни, ҳатто бутун дунёни коммунистик

жамият тарзига кўрардик. У пайтлар бу сўз умумий бахт-саодат, фаровонлик, урушлар ва зўравонликлардан холи жамият сўзларининг синоними эди.

Албатта, ҳеч ким янги аср арафасида, янги мингйиллик арафасида бизнинг мамлакатимизда юз берган ҳодисалар юз беради, деб ўйламаганимиз: СССРнинг парчаланиб кетиши, жиноятчиликнинг авж олиши, ички ҳарбий зиддиятлар, идеалларнинг барбод бўлиши... Фантастика — фантастикадан бошқа нарса эмас! Бироқ, шу билан бирга, биз соғир бўлажак кўплаб буюк кашфиётларни ва рўёбга чиқиш арафасидаги кашфиётларни ҳам олдиндан башорат қилолмадик. Масалан, мен кейинги пайтлари ҳамсуҳбат бўлиб юрган олимларнинг ишонтиришларича, яқин орада(ўн йиллар ичига) инсоннинг ирсий(генетик) коди тўла очилади. Бу кашфиёт инсонни турли касаликлардан қутқаради ва барҳаётлик ҳақидаги орзусини амалда рўёбга чиқаради.

Мисрнинг уз "Хитой девори" бўлган дейишмоқда археологлар.

Ўтмиш тадқиқотчилари ва сайёҳлари Ал-Қантара ва Ал-Ариш деган жойлар орасидаги йўлдан утар эканлар, кундаликларида албатта

қумлари ва янги экин майдонлари остида қолиб кетган.

Муаррихларнинг фикрларича, бу гаройиб иншоат эрамиздан аввалги 2000 йили барпо этилган. Эрамиздан аввалги I асрда яшаган юнон муаррихи Диодор Сицилиялик (эрамиз-

Бу мудофаа иншоатининг узунлиги 1500 стадий, яъни 220—288 километр бўлган. (Бир юнон стадийи 147—192 метр.)

"Чол девор" тўғрисида кўпдан-кўп афсона ва ривоятлар туқилган. Улардан

“ЧОЛ ДЕВОР” ТАҚДИРИ

"Чол девор" (арабчадан сўзма-сўз таржимаси — "чол кўприк") ҳақида ёзиб қолдирганлар. Бу иншоат Уртаденгиз соҳилларидан то Гелиополисга қадар саҳро узра қад кўтариб турган. Бизнинг кунларимизга келиб, Ал-Ариш ва Қоҳира шаҳарлари орасида қўзилган бу маҳобатли иншоат чўл

дан аввалги 90—21 йиллар) сўзларига қараганда, бу девор малика Долоукоҳ томонидан Миср подшолигининг шарқий чегараларини Сурия ва Арабистон яриморолари кўчманчиларининг босқинларидан ҳимоя қилиш учун қурилган.

Айрим муаррихлар девор тикланишини малика Клеопатра номи билан боғлайдилар.

бири деворни эгаллаб бўлмалиги ҳақидаги асотирдир. Бироқ бу девор 639 йили араб лашкарбошиси Ибн ал-Осга ал-Ариш ва Фелуза қалъаларини забт этиб, бутун Нил водийсини то Миср Бобили қалъаси(қадимги Қоҳира)гача босиб олишига монелик қилолмади.

32 250 ДОЛЛАРЛИК ЎЙИНЧОҚ

Немисларнинг "Мерклин" ўйинчоқлар фабрикасининг ходими Ганс Цинк дунёда энг йирик Нюрнбург ўйинчоқлар ярмаркасида электровоз моделини намойиш қилди. Платинадан ясалган бу ўйинчоқнинг нархи 64 500 немис маркаси (32 250 АҚШ доллари).

ГОЛЛИВУД АРМИЯНИ ҚУТҚАРАДИМИ?

АҚШ мудофаа министри Уилям Коэн Америка армиясини қутқариш борасидаги барча умидларини Голливуд обрўйига боғламоқда. Гап шундаки, қуроли кучлар сифини тўлдириш режаси системали тарзда бажарилмай қолмоқда. Бу ҳодисанинг асосий сабабларидан бири "қудратли душманнинг йўқлигида" демоқдалар. СССР узоқ йиллар ана шундай куч ҳисобланарди. Ундан ташқари, Пентагон кўплаб мутахассисларидан, айниқса, ҳарбий учувчиларидан ажралиб қолмоқда. Улар "ёғлироқ жойлар"га ишга ўтиб кетмоқдалар.

Шу боис мудофаа министри рафиқаси Женет ҳамроҳлигида Голливудга йўл олди. Мақсад — ёшларни армияга сафарбар қилиш ишига "санъат юдузлари"ни жалб этишдир. Коэн, айтишларича, ундан ортиқ актёр ва режиссёрлар билан учрашган эмиш. Бу санъаткорларнинг тўла рўйхати маълум эмас. Бироқ улар орасида Том Круз, Роберт де Ниро, Харрисон Форд, Жюлия Робертс, Стивен Спилберг каби машҳур санъаткорлар бор.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Ховлимизда улкан қулоч етмас ёнғоқ дарахти бўларди... Бу бизга бобомиздан ёдгорлик эди.

Бувижоним (қабрлари нурга тўлсин) ҳаммаша шу ёнғоқ остидаги супачада ўтириб, бизга қизиқ-қизиқ эртагу ҳикоялар ва ҳамма ҳурмат қиладиган, кучли, қўрқмас бобомиз ҳақида гапириб берардилар. Куну тун ёнғоқ остидан кетмасдилар. Дадам баъзан: "Ойижон, ёнғоқ остида кўп ўтирманг зарари бор, дейишади", десалар қойиб берардилар.

"Ўғлим, шу ёнғоқ остига келсам, роҳатларингни кўролмай умри гўлдек эрта хазон бўлган отангни кўргандек бўламан. Шу азим дарахтга термилиб, у билан хаёлан суҳбат қураман, ғамқайғум тарқаб, бир оз енгил тортаман" деб, бувимнинг кўзларида беихтиёр ёш ғимирларди. 40 йилдан бери ҳовлимиз ўртасида қад ростлаб турган бу дарахт бувим учун азиз бўлиб қолганди...

Баъзан тўкилган ёнғоқ барглари теририб кўзларига суртар, супа атрофини супириб-сидириб, бу жойларга бобонгнинг табаррук кўллари теккан болажоним, дея чуқур хўрсиниб қўярдилар.

Узун ёз тунлари, қаҳратон қиш кунларини ҳам дарахтга термилиб бедор ўтказардилар. Қаранг-а, дарахт ҳам биларкан. Бувижоним ёнғоқ остига келишлари биланок, худди бувим таш-

рифи
гандек

Voqeyi hikoya

шитирла-чирт" барглари тўкарди.

Ҳар кун уйқудан турибоқ ёнғоқ остида гоҳ букчайиб кўрпа қавиётган, гоҳ тўкилган барглари теририб, уларга нимадир айтаётган, гоҳ дарахт танасини силаб, унга маънос ва ўйчан боқиб турган бувимга кўзим тушарди. Бундай дамда бувимнинг қошларини чимириб, киприк ҳам қоқмай

ошиқаёт-шоҳларини тиб, "чирт-

бир шохи қуриб, барглари тўка бошлади. Бу ҳолат бувимни роса таажжубга солиб қўйди. Энди кечалари ҳам дарахт остидан кетмайдиган одат чиқардилар. Баъзан эса "Бу бобонгизнинг ишораси, мени чорлапти", деб дилимизга вазелик солиб қўярдилар...

... Ўша кун, дилимиз ғамга тўлиб бувижонимизни сўнгги манзилларига кузатаётган бир пайтда, бехосдан ёнғоқнинг қуриган катта шохи синиб тушди. Бу ҳолатдан ҳайратда донг қотган эдик ўша лаҳзаларда. Ҳа, меҳрибонидан бир умрга айрилишга унинг бардоши қолмаган эди.

Ўша барчамиз учун оғир бўлган кунда ёнғоқ ҳам қийналди, азоб чекди, охирида эса... Кўз ёшлари мисол барглари "дув-дув" тўкиб, супа атрофини яшил либосга буркади...

Мана уч йилдирки ёнғоқ ости бўм-бўш. Супа ҳам йўқ. Бувим ҳам. Қизиқки, ёнғоқ ўша азобли кундан бери на барг чиқаради, на ҳосил беради. Ҳар гал шаҳардан уйга қайтганимда, беихтиёр кўзларим ёнғоқ остига қадалади. Ёстикдошидан эрта ажралган, оғир дала меҳнатидан қаварган кўллари дуога очиб турган бувижоним кўз олдимида гавдаланади...

Ҳовли ўртасида қаққайиб, қуруқ шох-бутоғи қолган дарахтга қарасам, бувимнинг ўтли нигоҳини ҳис этгандек, сесканиб кетаман...

Нилуфар ОЧИЛОВА

БУВИЖОНИМ БОР ЭДИ...

шундай хаёл оғушига берилиб кетардиларки, ҳатто бориб кучоқларига кириб олганимни ҳам сезмасдилар. Мен эса бувимнинг қордек оппоқ сочларига, ўйчан, аммо нурли юзларига ҳайрат билан тикилардим. Улардан нимадир англаб олгим, бувимни эса аввалгидек шўх ва шодон ҳолатда кўргим, бувижоним билан узоқ-узоқларга кетгим келарди. Лекин бувижоним тонг шаҳардан кечки шомгача ёнғоқ остидан жилмасдилар...

Йиллар ўтди. Нимагадир ёнғоғимизнинг катта

Ҳа, айнан лимон, апельсин, мандарин каби мевалар субтропик усимликлар бўлиб, уларни барчамиз севиб истеъмол қиламиз. Биринчидан, улар жуда мазали, иккинчидан, соғлиқ учун фойдали, учинчидан, кайфиятни кўтариб, кишига тетиклик бахш этади. Юз ва терини тиниқлаштиради. Субтропик мевалар ширин бўлиш билан бирга, кўпгина касалликларга ҳам даводир.

Биз лимон билан уч минг йилдан буён танишмиз. Бир ривоятда лимон ўз исмини малай тилидан олганлиги айтилади. "Лимунг" деган сўз — "оналар учун фойдали"

Азиз аёллар, сиз асабийлашасиз, толиқасиз. Ўзингизни беҳолдек сезасиз. Шунда 2 та лимонни майдалаб турганг ва уни 3-5 қошиқ асал билан аралаштириб олиб қуйинг. Ҳар кунни нонуштада ёки тушликда шу аралашмадан оз миқдорда еб турсангиз, тетиклашиб, кайфиятингиз кўтарилиб бораверади. Бу егуликни тетиклаштирувчи модда, десак ҳам булаверади.

Фақат аллергиядан бошқа ҳамма касалликларга даво буладиган мевани биласизми? Бу апельсиндир. Қадимги табобат ходимлари апельсиндан ҳамма касалликларни даволашда фойдаланишган. Ревма-

ЛИМОН ХОТИРАНИ ТИКЛАЙДИМИ?

деган маънони англатади. Шарқ табобатида ҳомиладор аёллар соғлигини тиклаш учун лимондан фойдаланишган. Бугунги кунда бутун дунё медицина ходимлари фақатгина ҳомиладор аёлларга эмас, болаларга, ҳатто эркакларга ҳам лимон истеъмол қилишни тавсия этишмоқда.

Лимон таркибида жуда кўп витаминлар бўлиб, у қон босимини туширади, нерв системасини яхшилайдди. Лимон таркибида ошқозон ва ун икки бармоқли ичак касалликларига, бошқа бир қатор касалликларга қарши курашувчи кислота ва моддалар ҳам бор. Сиз паришонхотирлик касалига йулиқдим деб ўйлаётган булсангиз — лимон энг. Эфир мойи ва хушбўй ҳидга эга булган лимон паришонхотирликнинг олдини олади.

тизм, қон босими, юқумли касалликлар, подагра каби касалликларга апельсин даводир. Субтропик меваларнинг битта ёмон томони бор, улар катта ёшли кишиларда ҳам болаларда ҳам аллергияни кўзитади.

Биз сизларга (аллергияси йўқ аёлларга) қуйидагича маслаҳат бермоқчимиз. Сиз албатта чиройли булишни, юзингизнинг тиниқ булишини хоҳлайсиз. Шунда бир дона лимон ва бир дона апельсиннинг яхшилаб сувини сиқиб олинг ва уларни аралаштириб, юзингизга суртинг. 15 дақиқадан сўнг совуқ сув билан ювиб ташланг. Юзингиз териси ўзига ушбу муолажадан сўнг жуда катта миқдордаги С витаминини қабул қилиб олади. Бу витамин эса соғлигингиз ва гўзаллигингиз гаровидир.

Гулида АБДУЛЛАЕВА



ОНА ЖАСОРАТИ

Кунлардан бир кун юртни ёв босибди. Элни тигдан утказибди. Экинзорларни пайхон қилибди. Навбат онага келибди. Онанинг бир угли билан бир қизи бўлиб, уларни ҳаддан ташқари яхши қураб, улар учун ҳеч иккиланмай, ҳатто жонини тикшига ҳам тайёр экан. Босқинчи шоҳ онани синаб кўрмоқчи бўлиб:

— Сени улдиromoқчи эмасман, катта булганда қасос олиши мумкин булган углингни қатл қилмоқчиман. Айтишларига қараганда, сен углингга жонингни ҳам беришга тайёр эмишсан. Менга жонинг эмас, чаросдек кузинг керак. Унг кузингни берсанг, углинг омон қолади, булмас, углингни қатл қилдираман, дебди. Она: "Кўзим керак булса уйиб ол, аммо боламга тегма", — деб, жавоб берибди. Жаллодлар онанинг унг кузини уйиб олишибди. Онадан "инг" деган садо ҳам чиқмабди.

Қонхўр шоҳ:
— Энди чап кузингни берсанг қизинг ҳам омон қолади, — дебди. Она ҳеч иккиланмай рози бўлибди. Жаллодлар онанинг чап кузини ҳам уйиб олишибди. Онаизор икки куздан айрилибди-ю, болалари омон қолибди. Бу орада эл баҳодирлари кузгалиб, босқинчи шоҳни ер билан яксон қилишибди. Она меҳри, она жасорати олдида бош этиб, халойиқ уни юртга бошлиқ этиб тайинлабди. Икки куздан айрилган она углини унг куз, қизини чап куз қилиб, узоқ яшабди, юртни адолат билан бошқарибди.

Хонбиби МАҲҚАМОВА тайёрлади

Taskin

Олам нурга, одам меҳрга ташна экан. Уксик дилда порлоқ кунларнинг қуёши ҳам алланечук соя солиб турар экан. Дил - кунгил ойнаси. Шу билан бирга чил-чил синган кунгиллар ҳам бир кун келиб дунёда яхши инсонлар, самимият ва меҳр тўла кунгиллар булса, олам ва одамлар яна мунис лаҳзаларга, гўзал ҳаётга қайтиши мумкин. Афсус... Биз афсусни кўп айтамыз. Ҳаёт синовларига ўткир нигоҳлар, эртанги кун умиди билан боқамиз. Донишмандлар айтганидек, меҳр совуқ уйни ҳам илитар экан. Лекин мен билган бу қизалоқнинг уйида меҳр деган илиқлик йўқ. Икки йилдан ошдики, онасининг очиқ кетган кўзи бу қизалоқ юрагига яшайди.

Ҳамма нарса бир қарашда дилингда бегубордек кўринса-да, сенда, юз-кўзингда катталар илғай оладиган бир дард бор. Бу дард соғинч, изтироб, тугалмас дарддир. Бу дардни сен она булганингда тақдир тошлари билан парчаларсан. Лекин биласан, барибир, дунёда сенинг онанг ўрнини ҳеч ким,

МЕҲРГА ТАШНА ДИЛ

ҳеч қачон босолмайди. Мен билган қизалоғим, йиғламагин, сен ҳаётга теран кўз, дилингдаги оруз билан боққин. Мурғак қалбингдаги сон-саноксиз йиғлоқи кунларни эмас, порлаб турган юдузларни сўрагин. Бахтнинг эшиги сенга очилади, сенинг ҳаётингга яратганининг ўзи назар солади. Тушларингда кўрган онанг меҳрибончиликлари сени улуглайди, онанг руҳи атрофингда сенга парвона. Сен буни билмайсан, не булганда ҳам ана шу яхшиликлар сени камолга етказди. Яхшиликка чорлайди. Ҳавас, улугларга ҳавас яхшилик. Уларни ўқиш, урганиш, ҳайратланиш яхшилик. Дилбандига оппоқ орузлар тилаш яхшилик. Сенинг онанг руҳи олдида қилаётган барча уйларинг, ишларинг эндигина оқариб келаётган оппоқ тонгга ўхшайди. Тонг ёришади, кетидан қуёш чиқади, атрофни ўз нурлари билан қиздириб ҳаёт бошланиши давомийлигини билдиригандек, сенинг орузларинг ҳам тонглар каби отаверади. Одамнинг умрини япроққа ўхшатамиз. Аммо биз билганимиздек, япроқлар фақат кузда эмас, ҳар кунни, ҳар туни тўкилади. Балки шунинг учун айтсалар керак-да, мангуликка — умр бир зарра деб. Табиатда билсанг агар лола бир марта очилмиш учун яраган. Инсон эса лоладан ҳам гўзал бўлмоқ учун. Кунгилнинг гамгин кучаларга қолдиригандек азгуликка боққин. Онанинг хотираси ҳаётингда мангу қолсин. Хотира сен учун муқаддас ва азиз бўлиб қолсин.

Маъмура МАДРАҲИМОВА

**ЧЕМПИОНЛИК
КАМАРИ УЧУН**

Бокс оламидаги турли қарашлар Майк Тайсоннинг навбатдаги Англия сафаридан кейин анча сокинлашгани, англиялик Леннокс Льюис эса Америка боксини обрўсизлантириш учун 29 апрелда яна рингга чиқадиган бўлди. У оғир вазнда мутлақ чемпион америкалик Майкл Гринтга қарши жанг қилади.

**ЖАЗО
КЕЧИКТИРИЛАДИ**

Россия велоспорти халқаро аъзолик бадалларининг ўзидан 250 минг доллар қарз бўлганлиги учун спортчилар халқаро мусобақалардан маҳрум бўлиши мумкин. Лекин ХОК раиси Х. А. Самаранч Россия велоспорт федерацияси президенти А. Захаровга Сидней ўйинларига муддат учун имконият яратиб беришни билдирган.

**АГАССИ ТАЪТИЛГА
ЧИҚДИ**

Жаҳон тенисчилари рейтинг рўйхатини бошқариб бораётган А. Агасси яқинда бўлиб ўтган Девис Кубоги мусобақаларида жароҳат олган эди. Шу йил 6-12 март кунларига мўлжалланаётган “International Series” тадбирларида қатнашиш учун таътилга чиққан тенисчи аввало, соғлигини тикламоқчи.

**УРУШҚОҚ ДЕНИС ЯНА
МАЙДОНДА**

Дунёнинг энг жанжалкаш баскетболчиси Денис Родман чоршанба кун яна баскетбол оламига қайтди. 10 ойлик танаффусдан сўнг у ўзининг янги “Даллас Маверикс” жамоаси шаъни учун курашди. У 32 минут давомида “маҳсулотсиз” ўйин намойиш этса-да, майдонда ўша-ўша “хўжайин” эди.

**МАТОНАТМИ,
САДОҚАТМИ?**

Кўпчилик мутахассислар А. Ягудиннинг бу амалини қандай изоҳлашга ожизлик қилди. У фигурали учиб бўйича Европа чемпионатида қаҳрамонсиз қатнашишга қасд қилди. Мусобақага 12 кун қолганда машғулот чоғида йиқилиб кўлини синдириб олганлиги ҳам уни беллашувлардан қайтара олмади. Чемпионат олдидан кўлидаги гипсни олдириб ташлади-ю, оғриқ зўрайиши туфайли яна уни “тақиш”га мажбур бўлди. Ха, дард ҳам зўрни енга омаслиги рост экан. А гуруҳидан ўз тоифаси бўйича музга тушган А. Ягудин энг яхши натижа кўрсатиб, асосий рақиби А. Абтани доғда қолдирди. Вена шаҳрида спортнинг шу турининг ишқибозлари бу натижани узоқ ёдда сақлаб юрсалар, ажабмас.



Ўзбек кураши бир неча минг йиллик тарихга эга. Қадимий солномаларда эраמידан олдинги даврларда ҳам кураш оммавий мусобақалар таркибидан муносиб урин олганлиги ҳақида адабиётлар мавжуд. Буни кўпгина ёзма ва тарихий ёдгорликлар тасдиқлайди. Масалан, Маҳмуд Қошғарий узининг машҳур “Девони луғотит турк” китобида полвонлар бир-бирининг ёқасидан ушлаб, оёғи ёрдамида рақибини қўлатганлиги ҳақида ёзади. Табарий эса ўз “Тарих”ида Сугд давлатида пахлавонлар учрашувини ёрқин сатрлар билан ифодалаб беради. Фирдавсий “Шоҳнома” китобида Рустамнинг куч-қудратини тасвирлаб ёзади. Шунингдек, Шерозийнинг “Девон”ида, Низомийнинг “Хамса”сида, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonида, Бобурнинг “Бобурнома”сида, халқ оғзаки ижодидан “Алпомиш”, “Гуруғли”, “Тулғоний” дostonларида полвонлар кураши мадҳ этилган. Бутунги “Кураш сабоқлари”да муштариелар бош ҳакам ҳамда бош ҳакам уринбосари ҳақида маълумотларга эга буладилар.

- в) ҳакамларни гиламларга тақсимлайди;
- г) мусобақа жадвалини тузади;
- д) курашчиларни тарозида тортиш учун ҳакамларни белгилайди;
- е) ҳар бир беллашув учун ҳакамларни тайинлайди ва уларнинг ҳаракатларини назорат қилиб боради;
- ё) мусобақа бошланишидан олдин ҳакамлар ҳайъатининг мажлисини утказеди;
- ж) мусобақа давомида ҳар кун мусобақалардан сўнг ҳакамлар ҳайъати, мурабийлар,

**КУРАШ
САБОҚЛАРИ**

жамоалар вакиллари билан биргаликда шу кунги мусобақанинг натижаларини ва ҳисоботини куриб чиқади, учраган камчиликларни уз хуқуқи ва имконияти доирасида бартараф қилади;

з) агар зарурият бўлиб қолса, ҳакамлар ҳайъати мажлисини ҳар қандай вақтда утказиши мумкин;

и) ҳакамларнинг мусобақага тайёргарлигини ва мусобақа жараёнини баҳолаб боради;

й) мусобақадан кейин унинг қай даражада ташкил қилинганлиги ва утказилганлиги ҳақида ёзма ҳисобот баёнини тулдириб, тегишли ташкилотга топширади.

2. Бош ҳакам хуқуқлари:

а) мусобақа утказиш иншооти, анжомлари ва гиламлар тайёрланмаган бўлса, мусобақа

утказишни таъқиқлаши ва бошқа муддатга кучириши мумкин;

б) мусобақа жараёнида, уни юқори савияда утказишга ҳалақит берадиган ҳол юзага келиб қолса, мусобақани вақтинча тухтатиб туриши ҳам мумкин;

в) мусобақа утказиш тартиби ёки жадвалига узгартириш киритиши мумкин;

г) ҳакамлар ҳайъатига маълум қилган ҳолда, кураш мусобақалари қондасини қўпол равишда бузган ёки қондага риоя қилмаган ҳакамни мусобақадан четлатиши мумкин;

д) мусобақада иштирок этишга рухсати бўлмаган ёки кураш қондаларини бузган курашчиларни ҳам мусобақадан четлатиши мумкин;

е) қўполлик қилгани ёки кураш қондаларини бузганликлари учун ҳар қандай гуруҳ вакиллари ва мурабийларини огоҳлантириши ёки мусобақадан четлатиши мумкин.

Эслатма: Бош ҳакам кураш қондасини бекор қилиши ёки узгартиришлар киритиши мумкин эмас.

**V. БОШ ҲАКАМ
ЎРИНБОСАРИ**

а) бош ҳакам мусобақада вақтинча бўлмаган пайтда унинг рухсати билан берган ваколатига асосан унинг вазифаларини бажаради.

б) беллашув натижасини ва кейинги олишувга тайёрланиб турувчиларни эълон қилиб боради.

в) уртадаги ҳакамларни, котибни, вақтни назорат қилувчи ҳакамни, таблодаги ҳакамни назорат қилиб туради ва алмаштиради.

Ф. КАРИМОВ тайёрлади.

63 МИНГ НИГОҲ ҚАРШИСИДА

Йилимиз бошида бўлиб ўтган клублар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпиони Англиянинг ашаддий ишқибозларини “кутиш”га мажбур қилган кўринад. Англия премьер лигасининг пешқадами “Манчестер Юнайтед” жамоасининг ўша чемпионат туфайли кечиктирилган учрашувлари фанатларда янги тўлқинни вужудга келтирди. Негаки бу пайтда турнир жадвалида кескин ҳолат қайд этилиб, чемпионлик учун асосий даъвогар бўлган манчестерликларга етарли таҳдид намоён бўлаётганди. Энди бу тўлқин бироз босиладиган бўлди. Ўтган

йилги мамлакат чемпиони “Манчестер Юнайтед” бу йил ҳам ўз мавқеини сақлаб қолиши учун яхшигина имкониятга эга. Навбатдаги учрашувни мезбон сифатида ўтказган жамоа “Коунтри Сити” устидан 3:2 ҳисобда ғалаба қозониб, ўзидан кейинги ўрин билан бўлган масофани 6 очкога “узайтирди”. Қизғин шундаки, стадионга ташриф буюрган 63 миңдан зиёд мухлислар тўқсон дақиқадан ортиқ вақт мобайнида улардан фақат ғалабани талаб қилиб, ҳайқириб-қичқириб турдилар. Тўпурар Коул кетма-кет тўп киритиб, “Тоол” деган лақабни ҳам шу кун оди.

СОВРИН 10000000 ДОЛЛАР

Волейбол бўйича шу йилнинг май - июль ойларида ўтказилиши режалаштирилган Жаҳон лигаси — 2000 баҳсларига тайёргарлик қизғин кечмоқда. Унда қатнашиш учун аризалар қабул қилиниш муддати 15 февралгача деб белгиланган. Ҳозирда эса, кўп жамоалар бир қарорга келиб бўлишган. Ушбу мусобақаларнинг соврин жамғармаси 10000000 долларни (АҚШ) ташкил этиши ҳатто мухлисларни ҳам

бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Айниқса, Россия терма жамоаси мурабийлари масалага жиддий ёндашаётганлигини қуйидаги жумлалардан ҳам билса бўлади: ҳозиргача 18 нафар волейболчилар танлаб олинган; улардан 12 нафари “Жаҳон кубоги — 99” нинг голиблари; биринчи босқич тайёргарлик машғулотларида Россия ёшлар жамоаси мактабининг иқтидорли ўйинчилари ҳам жалб этилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюммаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир ўринбосари
Абдусамат РАҲИМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳалим САИДОВ (бош муҳаррир), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР:
масъул котиб—136-56-42,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдурасул НАРМАНОВ ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчилар:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Нурлан УСМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-107.
Тиражи 49.310
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти - 20.00.
Топширилди — 21.30.

1999—2000 ўқув йилида янги ташкил этилган касб-хунар коллежларининг умумкасбий ва махсус фанларидан дарсликлар яратиш бўйича конкурснинг қисқача шартлари ва ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 4—сонли "Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ касб-хунар коллежларининг умумкасбий ва махсус фанларни яратиш бўйича дарсликлар яратиш учун куйида номлари келтирилган соҳалар бўйича танлов шартларини эълон қилади.

Ушбу танловда касб-хунар коллежларининг умумкасбий ва махсус фанлари бўйича яратиладиган дарсликлар асосан бугунги кунда мавжуд бўлган дарсликларнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда Давлат таълим стандартларига жавоб берадиган, келажак авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, инсонни инсон сифатида шакллантиришда муҳим ўрин тутадиган, ўқувчини мустақам иродали, маънавий етук, мустақил ижодий фикрлашга ўргатадиган, бугунги кун ўқувчиларининг имкониятлари, қобилиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, энг асосийси, фанлардан чуқур назарий билим олишини таъминлайдиган тарзда ёзилиши лозим.

Соҳа йўналишлари номи:

- Машинасозлик
- Энергетика
- Самолётсозлик
- Автомобилсозлик
- Металлургия
- Геология ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш


Кимё ишлаб чиқариш

- Энергетика
- Самолётсозлик
- Автомобилсозлик
- Металлургия
- Геология ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш
- Кимё ишлаб чиқариш
- Енгил саноат
- Полиграфия ишлаб чиқариш
- Озиқ-овқатлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Транспорт

- Алоқа
- Курилиш
- Уй-жой коммунал хўжалиги
- Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги
- Соғлиқни сақлаш
- Маориф
- Маданият ва санъат
- Ижтимоий-иқтисодий соҳа
- Савдо, умумий овқатланиш ва хизмат соҳалари.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6-уй. **Телефонлар:** 139-13-42, 139-13-77



ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Диогонал бўйича ўнга: 1. Мўъжаз назмий асар. 2. Математик ҳисобнинг ҳар бир тури. 3. Мусиқа ёзуви. 4. Денгиз ва йирик кўлар соҳилларида эсиб, даврий ўзгариб турувчи шамол. 5. Кунчиқар мамлакат пул бирлиги. 6. Механик "зина". 7. Қадимда юнон афсонасига мансуб афсонавий фазогир. 8. Ўтмишда қўлланилган 0, 832 кг га тенг бўлган вазн ўлчови бирлиги ботмоннинг яна бир атамаси. 9. Ёритилганлик даражасининг ўлчов бирлиги. 10. Юнонистон, Қадимги Рим, кейинчалик Фарбий Оврўпода ҳисоб амалларини ечишда қўлланилган содда ҳисоб анжومي. 11. Геометрик шакл. 12. Айрим хўжалик, ташкилот ёки яққа шахс ихтиёридаги бойлик. 13. Америка ўрмонларида тарқалган, мўйнаси учун овланадиган жонивор. 14. Электр ўлчови бирлиги. 15. Ўрта асрларда илмий ҳисобланган тил. 16. Шамсия йили ҳисобдаги иккинчи ой номи. 17. Тикувчиликда қўлланиладиган усул.

Диогонал бўйича чапга: 1. Ўзининг номи билан аталган усул ёрдамида ёруғликнинг ҳаво ва сувдаги тезлигини аниқлаган француз физик олими. 2. "Шошмақом" куйларидан бирининг номи. 3. Мактуб тарзида ёзилган асар. 4. Табиий ҳодисалар кучи, даражасини ўлчаш бирлиги. 5. Бадиий, илмий асар ёки моддий бойлик яратиш. 6. Суяклик ўлчови бирлиги. 7. Пила курти ҳосили, тўқимачилик ашёси. 8. Ойлардан бири. 9. Ён сиртига айланган тенг бўлаққа бўлувчи даража

қўрсаткичлари чизилган халқа; бурчак ўлчаш асбобларида бурчакларни ҳисоблашда иштиради. 10. Ҳиндистондаги тарихий шаҳар. 11. Яман, Эрон мамлакатларида пул бирлиги. 12. Узунлик ўлчови бирлиги. 13. Масала, муаммонинг жавоби. 14. Оврўподаги давлат пойтахти. 15. Мусиқа асбоби. 16. Вақт ўлчови бирлиги. 17. Тикиш асбоби.

Энди жавоб сўзларидан биринчи ҳарфларни рақамлар тартиби бўйича ўқинг. Ундан шарқ халқ ҳикматларидан бирини билиб olasiz.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Табиёт фани соҳаларидан бири — 16, 1, 9, 13.
2. Юсуф Хос Ҳожибнинг асари номидан: "Қутадғу 6, 1, 7, 1, 10".
3. Ўқув машғулоти — 3, 2, 12, 15.
4. Сўзлашув воситаси — 19, 1, 7.
5. Билимни ўзлаштириш учун қўйилган баҳо — 2, 14, 7, 11.
6. Ёруғлик манбаидан таралган ёғду — 8, 5, 12.
7. Куннинг ярми ўтган пайт — 18, 17, 4, 1, 8.

Энди жавоб сўзлари асосида шакл атрофидан рақамлар тартиби бўйича ҳарфлар билан алмаштириб муаммонани ечинг. Ундан мумтоз, мутафаккир шоир Абдулқосим Фирдавсийнинг икки мисра ҳикматини билиб olasiz.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Газетамизнинг 12-сонидан берилган топқирлик машқининг жавоблари

Диогонал бўйича: 1. Бинойи. 2. Абуллайсий. 5. Хамса. 6. "Топмадим". 15. Аттор.

Энига: 3. Гули. 7. "Мехр". 8. Шом. 19. Фазал. Бўйига: 3. "Гулистон". 4. Исқандар. 7. "Муножат". 9. Семург. 10. Наврўз. 11. Навфал. 12. Мушоира. 13. Фарбий. 14. Дилором. 17. Арасту. 18. "Вақфия".

Ёйлар бўйича: 14. Достон. 16. Навдар. 17. Аҳмедов. 20. "Унсия".

Муаммонома очқич сўзлар: 1. Йиғ. 2. Кўпрак. 3. Лаълга. 4. Тавр. 5. Касб. 6. Қалам. 7. Ортуқ. 8. Азиз. 9. Аёл. Ҳикмат: Бировким олимларга қилса таъзим, Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.

Munajjimlar bashorati

13—19 февраль

қолишдан эҳтиёт бўлинг.

ТАРОЗИ (24.09-23.10). Душанба, сешанба кунлари режалаштириб қўйган барча ишларингиз амалга ошади. Пайшанба кунни узоқдан хушxabар олсангиз, Жумада зиддиятли ҳолатга тушиб қолишингиз эҳтимоли бор. Дам олиш кунлари соғлигингиз ҳақида ўйланг.

ЧАЕН (24.10-22.11). Сешанба кунни моддий манфаат кўрасиз. Кейинги кунлар сизга унча омад келтирмайди. Уқинманг. Дам

олиш кунлари оилангиз даврасида бу кўнгилсизликларни чиқариб юборишга ҳаракат қилинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12). Бу ҳафта сиз учун эсда қоғалар юз бермайди. Фақат пайшанба кунни соғлигингиз бироз панд беради. Дам олиш кунлари ҳам оқатқисидан кечади.

ТОҒ ЭҶКИСИ (22.12-20.01). Дастлабки икки кун пулдан бироз қийналасиз. Кейинги кунлар соғлигингиз ҳақида ўйланг. Ҳафта бошида юзага келган барча муаммоларни дам олиш кунлари хал этасиз.

КОВҒА (21.01-18.02). Душанба ва сешанба кунлари зиддиятли мулоқотлардан ўзингизни тортинг. Чоршанба кунни омад сиз томонда бўлади. Пайшанбада хушxabар эшитасиз. Кейинги кунларни дўстлар даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03). Душанба кунини истисно қилганда, қолган барча кунлар сиз учун қойим келади. Айтурса, муҳаббат бобода. Фақат дам олиш кунни соғлигингизга эътибор берсангиз бўлгани.

Xullas...

БОЛА ЧЕКУВЧИ, ОТА ТЎЛОВЧИ

Австриянинг Велос шаҳрида чекишга қарши ўрнатилган тартибга мувофиқ, 16 ёшга тўлган ўсмирлар бемалол чекиши мумкин. Бироқ бунинг учун "Чекувчининг паспорти"ни расмийлаштириш лозим. Боланинг ота-онаси мактаб хазинасига марҳамат қилиб 100 шиллинг (8 доллар) тўлаб қўяди ва чекувчи фақат белгиланган жойлардагина сигарета тутатади.

Жорий қилинган тартибни бузувчилар 50 шиллинг жарима тўлаб, паспортдан айриладилар.

АКТЁР КОСМОНАВТ РОЛИДА

Актёр - актёр-да. У ролда талабга мувофиқ, врач, журналист, инженер, ўқитувчи, ҳаттоки космонавт ҳам бўлиши керак. Унинг ҳар қандай касб эгаси бўлиб ўйнашини тасаввур қилиш мумкин-а, аммо космонавт бўлишини...

Бу жуда мушкул, лекин ана шу қалтис ишнинг уддасидан чиқишга аҳд қилган актёр Владимир Стеклов деярли ҳар куни "Мир" космик станциясига келмоқда. Чингиз Айтматовнинг "Кассандра тамғоси" асари асосида ишланаётган сценарийдаги бош роль Стекловга топширилган.

Актёр учун ролнинг ўзи катта имтиҳон. Стеклов ана шу имтиҳон олдидан ўта мураккаб бўлган бошқа имтиҳонни топширмоқда. Яъни, тасвирга олиш вақтида бортни қандай бошқариш керак?

Унинг имтиҳонни қай даражада топширганлиги киноасар экранда намоиш қилинган маълум бўлади.

ТЕКИН МАСЛАХАТХОНА

Мурманскда "Ота-она ва шифокорлар гиёҳвандликка қарши" маслаҳатхонаси иш бошлади. Аспербосини даволаш, ташхис қўйиш, гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлиб қолган болалар билан шуғулланиш ва ҳоказо ишлар текин амалга оширилади.

Маслаҳатхона ҳомийси маҳаллий ҳукуматдир. Унинг нияти шундайки, фақат текин усулдагина гиёҳвандлик билан курашиш осонроқ, самаралироқ кечади.

ana shunaqa gaplar...

Республика таълим Маркази жамоаси марказнинг "Маънавият ва қўшимча таълим" бўлими методисти Раушана Медеетова падари бузуқворни **Мамалиёр МЕДЕТОВ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Qutlov



Ҳурматли Шоира ТУРСУНОВА!

Сизни таваблуд топган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.

Тошкент темирйўл тиббиёт билим юрти жамоаси